

Одамлар ишончи, умиди ҳар сония ҳушёрлик ва адолатга ундайди

5-с.

“Президент эътирофига йўл — маҳалла кутубхонасидан бошланган”

7-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
19 СЕНТЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№76
(2404)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

МАНЗАРА

ҚОРАҚАЛПОҚ МАҲАЛЛАСИ: ҲАР БИР НАТИЖАНИНГ ЎЗ МАНЗИЛИ БОР

Қорақалпоғистон маҳаллаларига хос бир манзара бор: одамлар ўртасидаги яқинлик, қўни-қўшничилик ришталари, катталарга ҳурмат, оила ва жамоа манфаатини уйғун кўриш. Бу ерда маҳалла элнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ўзаро кўмаги ва бирдамлиги намоён бўладиган ҳаёт маконидир. Қорақалпоқ элига хос меҳмондўстлик, бағрикенглик ва оғирини енгил қилишга интилиш маҳалла муҳитида ҳам ўз ифодасини топади.



Бугун ана шу қадриятлар замонавий тараққиёт талаблари билан уйғунлашган. Қорақалпоғистоннинг **452 та фуқаролар йиғинида** аҳоли турмушини яхшилаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ҳудудларни ободонлаштириш, маҳаллалар инфратузилмасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнларнинг мазмунини фақат қурилаётган иншоотлар ёки амалга оширилаётган лойиҳалар билан ўлчаб бўлмайди. **Асосий мезон — ўзгаришлар инсон ҳаётида қандай акс этаётгани.**

Маҳалладаги ҳар бир янгиланиш, аввало, хонадон тақдири билан боғлиқ. Кимдир ишли бўлди, кимдир ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди, яна кимдир узоқ йиллардан бери кутган шароитга эга бўлди. **Бу натижалар ортида “маҳалла еттилиги”нинг ҳамкорлиги, аҳоли ташаббуси ва мавжуд имкониятларни аниқ эҳтиёжга йўналтиришга қаратилган ёндашув турибди.**

Айни кунларда Қорақалпоғистондаги бу жараёнларга яна бир муҳим воқеа — **Президентимизнинг 18-19 сентябрь кунлари ҳудудга ташрифи доирасида назар ташлаш табиий.** Давлат раҳбарининг ташрифлари доимо ҳудудларнинг бугунги ҳолати, аҳоли турмуши ва олдинда турган вазифаларга янгича нигоҳ билан қараш учун имконият беради. Бу гал ҳам ташриф кун тартибида Қорақалпоғистон ҳаётининг турли соҳалари билан бир қаторда, маҳаллалардаги ўзгаришлар, аҳоли учун яратилаётган шароитлар ва ҳудуднинг келгуси тараққиётига дахлдор масалалар алоҳида аҳамият касб этди.

Давоми 2-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГАНИДА...

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ, БУ — ОДАМЛАРГА ЯҚИНЛИК, ИМКОНИЯТГА ЙЎЛ, НАТИЖАГА МАСЪУЛИЯТ!

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАҲАЛЛАМИЗГА ТАШРИФИ БИЗ УЧУН ОДДИЙ ВОҚЕЛИК ЭМАС. БУ ТАШРИФНИ МАҲАЛЛА АҲЛИ АНЧАДАН БЕРИ КУТГАН ЭДИ. ОДАМЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРИНИ ЎЗ ҲУДУДИДА КЎРИШНИ, МАҲАЛЛАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, ЭРТАНГИ РЕЖАЛАР ҲАҚИДА БЕВОСИТА СУҲБАТЛАШИШНИ ИСТАРДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАҲАЛЛАГА КИРИБ КЕЛГАНИДАГИ ҚУВОНЧ, ҲАЯЖОН ВА САМИМИЙ МИННАТДОРЛИКНИ СЎЗ БИЛАН ТЎЛИҚ ИФОДАЛАШ ҚИЙИН.

Давлат раҳбарининг маҳаллага ташрифи, аввало, шу ерда яшаётган инсонларга эътибордир. Бу эътибор ортида одамларнинг кундалик ҳаёти, оиласи, фарзандлари, меҳнати ва келажакка бўлган ишончи турибди. Биз, маҳалла фаоллари, Президент билан мулоқотда ана шу ҳақиқатни яна бир бор чуқур ҳис қилдик. Маҳалла ҳаётидаги ўзгаришлар одамларнинг турмушидаги ижобий натижалар билан баҳоланиши кераклигига яна бир бор амин бўлдик.

Ташриф давомида маҳалламизнинг бугунги ҳолати билан бирга, унинг эртанги қиёфаси ҳақида ҳам сўз борди. Аҳоли даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш, фарзандлар тарбиясида нуронийлар тажрибасидан самарали фойдаланиш каби масалаларга эътибор қаратилди. Бу фикрлар одамлар билан ишлашга бўлган ёндашувимизни янада чуқурлаштириш зарурлигини англатади.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Оғриқли дамларда таянч, қийин кунларда умид, янги ҳаёт сари йўл кўрсатувчи

Фаолиятимизга баҳо берадиган тизим жорий этилди. Янги тартибга кўра, агар аҳолининг ярмидан кўпи менга ишонч билдирмаса, лавозимимдан кетаман. Одамларнинг ана шу ишончи ва кўзларидаги умид мени ҳар сонияда ҳушёр ва адолатли бўлишга ундайди

5-с.

Соғлом авлодни дунёга келтириш учун тиббий маданиятимиз етарлими?

7-18 ёшли қизларга “Соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларни кимга айтасиз?”, деган савол билан мурожаат қилганимизда, уларнинг 40 фоизи шифокор ёки онаси билан бу мавзуда гаплашишга истиҳола қилишини билдирди.

6-с.

ҲАМКОРЛИК

Қозоғистон Республикаси Миллий иқтисодиёт вазири ўринбосари Бауйржан Омарбеков бошчилигидаги делегация Сергели туманидаги “Ўзгариш” маҳалласида бўлиб, Ўзбекистоннинг аҳоли билан ишлашдаги “маҳаллабай” тизими билан танишди.



МАҲАЛЛА ТАЖРИБАСИ ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Меҳмонларга **“маҳалла еттилиги”нинг амалий фаолияти,** “хонадонбай” ишлаш, бандликни таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган ёндашувлар намойиш этилди. Шунингдек, **Ижтимоий реестр, “Рақамли маҳалла”,** банкларни маҳаллаларга бириктириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби тизимларнинг амалдаги самараси кўрсатиб берилди.

Делегация, шунингдек, Сергели туманидаги **ситуацион марказ фаолияти ва бошқарувда сунъий интеллектдан фойдаланиш** имкониятлари билан танишди.

Ташриф якунида Қозоғистон вакиллари юртимизда маҳалла даражасида аҳоли муаммоларини ҳал этиш, бандлик ва оилалар даромадини оширишга хизмат қилаётган тажрибаларга катта қизиқиш билдирди.

3



ЁШЛАР ХОРИЖГА КЕТАДИ, масъулият маҳаллада қолади

8



Қариндош бор, аммо дийдор нега кам?



“Mahalla” фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди”

Шуҳрат ШАРИПОВ,
Зангиота туманидаги “Обод” маҳалласи раиси:

— Ҳар йилги анъанамга кўра, “Mahalla” газетасига 2027 йил учун ҳам биринчилар сафида обуна бўлдим. Бу шунчаки хизмат вазифам ёки мажбуриятдан эмас, балки замон шиддатидан орқада қолмаслик, соҳа нафасини ҳис қилиб туриш учун қилган онгли танловим.

Чунки кундалик ишлар, аҳоли муаммолари ва ижтимоий масалалар билан шуғулланиш жараёнида расмий қарорларнинг асл мазмунини халқчил тилда тушунтириб берадиган, тизимдаги энг илғор тажрибаларни жамлаган ишончли манба жуда зарур. “Mahalla”, шубҳасиз, ана шу вазифани ортиғи билан бажаряпти. Ҳар бир сондан маҳалламиз ҳаётига татбиқ этса бўладиган янги ғояларни, ҳуқуқий ва маънавий маслаҳатларни излайман ва топаман.

Газета ўқиган инсон дунёқараши кенг, мулоҳазали ва жамиятдаги янгиликлардан ҳамиша бохабар бўлади. Зеро, унинг саҳифаларини варақлаб ўқишнинг гашти бўлакча, инсонни фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Қорақалпоғистонга ташрифини атоқли давлат ва жамоат арбоби Каллибек Камаловнинг хонадонидан бошлади.



Президентимиз Кегейли туманидаги “ADM Agro” корхонасининг саноатлашган интенсив боғида йўлга қўйилган ЗАМОНАВИЙ АГРАР ТАЖРИБАНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ.



Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд оилаларни даромадли қилган ИССИҚХОНА МАЖМУАСИ фаолияти билан танишди.

ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГАНИДА...

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ, БУ — ОДАМЛАРГА ЯҚИНЛИК, ИМКОНИЯТГА ЙЎЛ, НАТИЖАГА МАСЪУЛИЯТ!



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Марат АМИНОВ, Нукус туманидаги “Дейқан арна” маҳалласи раиси.

Бугун “Дейқан арна”га кириб келган одам кечаги маҳаллани эмас, аста-секин ўзгараётган ҳудудни кўради. Бу ўзгаришларнинг бир қисми рақамли бошқарувда намоён бўлмоқда. Маҳалламизда **“Smart mahalla” тизими** йўлга қўйилган. Аҳоли мурожаатлари, демографик маълумотлар, инфратузилма ҳолати, тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги маълумотлар электрон шаклда назорат қилинмоқда. Илгари маълумотни турли манбалардан йиғишга вақт кетган бўлса, энди маҳалла ҳаёти ҳақидаги манзарани рақамлар орқали кўриш, муаммоларни аниқлаш ва ишни режалаштириш имкони бор.

Қолаверса, **давлат хизматларини маҳалланинг ўзида кўрсатиш имконияти яратилди.** Бу аҳоли учун вақт ва масофа билан боғлиқ қийинчиликларни камайтиришга хизмат қилаётир.

Маҳалламиздаги ўзгаришларнинг яна бир муҳим жиҳати ижтимоий инфратузилмада кўринади. Инвестиция дастури асосида 60 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, маҳаллий бюджет ҳисобидан футбол ва воркаут майдонлари барпо этилди. Бугун бу манзиллар ота-оналар учун қулайлик, болалар учун таълим ва тарбия имконияти уйғунлаштирган.

Президент билан мулоқотда фарзандлар тарбиясида нуронийлар фаоллигидан фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу масала “Дейқан арна” учун ҳам муҳим. Чунки маҳаллада авлодлар тажрибаси, оилавий қадриятлар, қўни-қўшничилик муносабатлари ва жамоатчилик масъулияти уйғунлашади. Нуронийларнинг ҳаётий тажрибаси, ёшларга берган маслаҳати ва тарбия жараёнидаги иштироки маҳалланинг маънавий муҳитини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Иқтисодий ўзгаришларда эса биз учун алоҳида аҳамиятга эга йўналиш — асаларичилик. “Дейқан арна”да бу касб азалдан ривожланган.

Мисол учун, маҳалламизда яшовчи Бахтиёр Жубаев бу борада ўзига хос тажриба яратган. У асални қайта ишлаяпти, сотувини ташкил қиляпти, шу билан бирга, асалари қутиларини ҳам ўзи тайёрлаяпти. Йиллик даромади 200 миллион сўмгача етади. Устахонасида йилига 250 тадан ортиқ қути тайёрланиб, уларни сотишдан яна 50-80 миллион сўм қўшимча даромад олинади.

Бир хонадонда 50-100 та асалари қутиси бўлса, мавсум шароитига қараб, бир йилда бир тоннагача маҳсулот олиш ва 50-100 миллион сўм атрофида даромад қилиш имкони бор. Албатта, бу кўрсаткичлар асаларичиликдаги меҳнат, тажриба, об-ҳаво ва бозор шароитига боғлиқ. Аммо имкониятнинг ўзи ҳам муҳим.

Йил якунига қадар яна 100 та хонадонда кооперация асосида асалари боқишни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Бу режа амалга ошса, асаларичилик билан шуғулланадиган оилалар сони кўпаяди, маҳсулот ҳажми ортади, тажриба алмашиш имконияти кенгаяди. Энг муҳими, маҳалладаги мавжуд имкониятни янги даромад манбаига айлантиришга ҳаракат қиламиз.

Президентимизнинг “Дейқан арна”га ташрифи биз, маҳалла фаоллари учун катта ишонч ва юксак масъулият ифодаси бўлди. Давлат раҳбарининг маҳалламизга келиши аҳолига қувонч бағишлаган бўлса, бизга ишимизни янада талабчанлик билан давом эттириш зарурлигини англатди. Энди маҳаллада қилинган ҳар бир ишга бошқача қараяпмиз: у одамлар ҳаётини қандай ўзгартиради, қайси хонадоннинг даромади ошди, қайси муаммо бартараф этилди, қайси имконият янги фаолиятга айланди, қайси яхши тажриба бошқаларга ўтди? Менимча, маҳалла раиси учун энг катта масъулият ҳам шу саволлардан бошланади.

“Дейқан арна”да биз бу ишончни, аввало, одамларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар билан оқлашимиз керак.

МАНЗАРА

Қорақалпоқ маҳалласи: ҲАР БИР НАТИЖАНИНГ ЎЗ МАНЗИЛИ БОР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИСМАТОВ.

БИНОСИЗ ЙИҒИН ҚОЛМАЙДИ

Қорақалпоғистон маҳаллаларидаги бугунги жараёнларни рақамлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Масалан, **камбағаллик даражасининг** ўтган йил бошидаги 10,8 фоиздан бугун 4,4 фоизга тушгани, шу йилнинг ўзида 10 минг 624 та оиланинг камбағалликдан чиқарилгани маҳалладаги ишнинг аниқ натижаларидан дарак беради. **Ишсизлик** ҳам 5,8 фоиздан 4,6 фоизга камайган. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида ўз даромад манбасини топган, меҳнат орқали оиласи шароитини яхшилаётган инсонлар бор.

Маҳалла ҳаётидаги ўзгариш фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанмайди. Одамлар ўзини хотиржам ҳис қиладиган, фарзандлари хавфсиз улғаядиган муҳит ҳам маҳалланинг тараққиёт мезонидир. Жорий йилнинг 8 ойида Қорақалпоғистондаги **258 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани** ва уларнинг “яшил” тоифага киритилгани шу жиҳатдан эътиборли.

Маҳалланинг қиёфаси эса унинг кўчалари, хизмат бинолари, ижтимоий объектлари ва аҳоли учун яратилган шароитда кўринади. Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда **хизмат биносига эга маҳаллалар улушининг 59 фоиздан 87 фоизга ошгани** ҳам шу жараённинг бир кўриниши. Жорий йилнинг ўзида 23 та фуқаролар йиғини янги хизмат биноси билан таъминланди, яна 24 тасида қурилиш ишлари давом этмоқда.

Энди бу рақамлар ортида турган ҳаётга назар ташласак. Нукус шаҳри ва Нукус тумани маҳаллаларига кириб борганимизда, бу ўзгаришларнинг қоғоздаги кўрсаткич эмас, балки кўча, хонадон, оила ва инсон тақдирида қандай акс этаётганига гувоҳ бўлдик.



“ЁШ АВЛОД” ФАҚАТ НОМДА ҚОЛИБ КЕТМАЯПТИ

2023 йилда ташкил топган **Нукус шаҳридаги “Ёш авлод” маҳалласига** кириб борганингизда, унинг номи нега шундай қўйилганини ҳис қилиш қийин эмас.

Бу ерда маҳалла тушунчаси анъанавий кўринишдан фарқ қилади. Кўп қаватли уйлар, болалар майдончалари, воркаут масканлари, дам олиш жойлари — барчаси бир ҳудудда аҳоли кундалик ҳаёти билан уйғунлашган. Шу маънода **“Ёш авлод”ни шаҳар маҳалласида замонавий муҳит қандай шаклланиши мумкинлигининг бир кўриниши,** дейиш мумкин.

— Янги ташкил топган маҳалламизда энг муҳим вазифа аҳоли учун яшашга қулай муҳит яратиш бўлди, ***— дейди маҳалла раиси Муҳаббат Калжанова.*** *— Чунки кўп қаватли уйларда маҳалла муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бу ерда қўшнилар бир-бири билан яқин муносабатда бўлиши, умумий ҳудудга эътибор қаратиши, болалар, оилалар, кексалар учун қулай шароит яратилиши муҳим. Шунинг учун амалга оширилаётган ҳар бир ишга аҳоли турмушига таъсир қиладиган ўзгариш сифатида қараймиз.*

“Ёш авлод”да **бунёдкорлик ва бандлик масалалари** бир-биридан ажралмаган ҳолда олиб борилаётир. Маҳаллада 9 та тадбиркорлик субъекти ва 10 та микролойиҳа ишга туширилиб, 20 та янги иш ўрни яратилган, 32 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилган. Яна 40 нафар фуқаро “Мономарказ”да касб-ҳунарга ўқитилган, 4 нафарга имтиёзли ссуда ажратилган. Натижада 32 та оила камбағалликдан чиқарилган.

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ — ИМКОНИЯТЛАР БИР ЖОЙГА ЖАМЛАНГАН МАНЗИЛ

Нукус туманидаги Саманбай овул фуқаролар йиғинидаги янги марказга қараганда, унинг қиймати фақат уч қаватли, замонавий бино экани билан ўлчанмаслиги кўринади. Муҳими, бу ерда маҳалла аҳолисининг кундалик эҳтиёжлари, касб ўрганиши, хизмат олиши ва даромад топиши учун турли имкониятлар бир нуқтага жамланган.

— Бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга, инсоннинг ўз имкониятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратилган, ***— дейди маҳалла раиси Ниетбай Омаров.*** *— Масалан, кимдир тикувчиликни ўрганади, кимдир тил ёки ахборот технологияларини ўзлаштиради, яна бир киши хизмат кўрсатиш соҳасида иш бошлайди. Шу жиҳатдан марказнинг ҳар бир хонаси муайян эҳтиёжга жавоб берадиган имкониятга айланиши керак. Бу ерга кириб келган одам бирор натижа билан чиқиши лозим. “Еттилик”нинг вазифаси шу имкониятларни аҳолига етказиши ва улардан фойдаланишга йўналтиришдан иборат.*

Саманбайда даромад манбаи яратиш борасидаги ўзгаришларнинг яна бир манзараси хонадонларнинг ўзида кўринади. Ботир Примбетов “еттилик” тавсияси асосида 33 миллион сўм кредит олиб, бедана боқишни йўлга қўйган. Бугун эса хонадонида **6 мингдан зиёд бедана** бор. Энг муҳими, дастлабки кредит бир марталик ёрдам бўлиб қолмаган — у айланма маблағ, тажриба ва бозорни тушуниш орқали ўзини ўзи ривожлантирадиган фаолиятга айланган.

— Аввалига беданачиликни катта иш деб ўйламаганман, ***— дейди Ботир Примбетов.*** *— 33 миллион сўм кредит олганимиздан асосий мақсадим — уй шароитида бошлаб, бозорини ўрганиш эди. Беданани кўпайтиришнинг ўзи етарли эмаслигини кейин тушундим. Емишини, парваришини, тухум ва гўштга бўлган талабни, харидорни ҳисоблаш керак. Шу тартибда ишлаган сари бу фаолиятнинг имконияти катта эканини кўрдим. Ҳозир бу ишда оиламиз билан бирга меҳнат қиляпмиз. Ойига жами 20 миллион сўм атрофида фойда кўрамиз.*

Ботир аканинг режаси энди фақат ўз хонадони доирасида қолиш эмас. У беданачилик билан шуғулланишни истаган хонадонларни бирлаштириб, **кооперация ташкил этиш** устида ишлаяпти.

ҲАР БИР ЎЗГАРИШНИНГ МАНЗИЛИ — ИНСОН ҲАЁТИ

Қорақалпоғистон маҳаллаларидаги бугунги ўзгаришларга назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат янада аниқ кўринади: **тараққиётнинг ҳақиқий қиймати унинг кўлами билан эмас, инсон ҳаётида қандай ўрин эгаллаши билан белгиланади.** Янги уйлар, хизмат бинолари, иш ўринлари, тадбиркорлик лойиҳалари — буларнинг ҳар бири маҳалла ҳаётини ўзгартирадиган имконият. Аммо уларнинг мазмуни одамлар турмушида намоён бўлгандагина тўла очилади.

Маҳаллалардаги бугунги жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, катта ислоҳотнинг энг ишончли мезони — унинг маҳалладаги аниқ манзили. У ишли бўлган инсон хонадони, даромади ошган оила, хотиржамлик қарор топган кўча, фарзандлар учун яратилган шароит ёки ўз ишини бошлаган тадбиркор қиёфасида намоён бўлади. Зеро, маҳалладаги ҳар бир натижа инсон ҳаётига дахлдор бўлса, ҳар бир янги вазифа ҳам шу манфаатдан келиб чиқиши керак.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛАДА БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида республикадаги 8 992 нафар маҳалла раиси иштирокида навбатдаги ўқув семинари ташкил этилди.



Унда маҳалла раисларининг касбий билим ва амалий кўникмаларини ошириш, замонавий бошқарув усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда аҳоли билан ишлаш самарадорлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, **Уюшма** ва **“Ижтимоий фикр”** республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг қўшма қарори билан тасдиқланган **“Маҳаллаларда аҳоли ўртасида онлайн социологик сўровларни ташкил этиш тартиби”** тушунтирилди.

Семинар якунида мавзулар юзасидан савол-жавоблар ўтказилиб, фикр алмашилди.

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон — Корея: янги имкониятлар сари муштарак қадам

Ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталари чуқур тарихий илдизларга эга. Бу яқинлик кеча ёки бугун шаклланган эмас. У асрлар давомида халқлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқот, маданий алмашинув ҳамда маънавий уйғунлик жараёнларида тобора мустаҳкамланиб борган.



Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқларимизнинг миллий тафаккури, турмуш тарзи ва маънавий қадриятларида ҳам кўплаб муштарак жиҳатлар мужассам. Айнан ана шу умуминсоний ва миллий қадриятлар халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва самимий муносабатларнинг мустаҳкам маънавий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мённинг таклифига биноан ушбу мамлакатга давлат ташрифи Ўзбекистон — Корея муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бугун юртимизда 180 минг нафардан ортиқ корейс миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиляпти ва улар мамлакатимизни ўз ватанидек кўриб, жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Шу боис, Корея Республикаси машаққатли йилларда беминнат ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқига чуқур ҳурмат-эҳтиром билан қарайди.

Сеул шаҳрига ташриф доирасида давлатимиз раҳбарининг биринчи **“Марказий Осиё — Корея Республикаси” бизнес саммити**да иштирок этиши ҳам минтақа билан Корея ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим қадам бўлди. Бундай мулоқот майдони Марказий Осиё давлатларининг ресурс ва бозор имкониятларини Кореянинг инвестициявий, технологик ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Президентимиз Корея бизнесини маҳсулот етказиб бериш босқичидан янги ишлаб чиқариш қувватлари, технологиялар ва инфратузилмага фаол инвестиция киритишга чақирди. Бу борада **Ўзбекистон — Корея саноат-технологик альянсини ташкил этиш таклифи** ҳам муҳим қадам бўлди.

Кореянинг етакчи компанияларига илмий тадқиқотлар, клиник база ва ишлаб чиқаришни бирлаштирган замонавий биофармацевтика кластерини ташкил этиш, шунингдек, Янги Тошкент объектлари, аэропортлар, темир йўл ва логистика хаблари каби йирик транспорт ва шаҳар инфратузилмаси лойиҳаларида фаол иштирок этиш таклифи икки томонлама ҳамкорликнинг янги истиқболларини очиши шубҳасиз. **Умуман, бизнес саммит давлатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни аниқ иқтисодий мазмун билан бойитиш учун муҳим майдон бўлди.**



БУВАЙДА ТУМАНИДАГИ “ДЕҲҚОНОБОД” МАҲАЛЛАСИДА 65 та янги иш ўрни яратилиши натижасида камбағаллик даражаси 0,5 фоизгача камайди.



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ “ОҚИБАТ” МАҲАЛЛАСИДА ёшлар билан бандлик, имтиёзли кредит олиш масалалари бўйича учрашув ташкил этилди.



УЙЧИ ТУМАНИДАГИ “ГУМБАЗ” МАҲАЛЛАСИДА камбағалликни қисқартириш бўйича хатлов натижасига кўра, миграциядан қайтганларга имтиёзли кредит берилди.


Mahalla №76 2026 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

Инсонга озгина имконият, ишонч ва тўғри йўналиш берсангиз, у ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ИШТИЁҚ БЎЛСА, ТАШАББУС ТОПИЛАДИ

Маҳалла, бу — чанг кўчаларда, тонгда рўзғор ташвиши билан уйғонган отанинг нигоҳида ва узоқ юртларда сарсон юрган мусофирнинг соғинчида яшириниган бўлади. Фаолиятимни бошлаган кунлар мени тайёр шароит кутиб турмаганини ҳис этганман. Одамлар қалбида озроқ шубҳа ва гумон ҳамда юрагимда “албатта, бунга эришаман”, деган ишонч бор эди, холос.



Дилдора СУВОНОВА,
Навбаҳор туманидаги “Навкар” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Тизимли ишни катта мажлислардан эмас, ҳар бир хонадоннинг дардини эшитишдан бошладик. Фаолиятим давомида энг кўп қувонтирган ва қалбимни тўлқинлантирган воқеа — ҳамюртларимиз Санжар Қодиров ва Дилора Қодироваларнинг ўзгарган тақдири бўлди. Улар узоқ йиллар ризқ қидириб хорижда, оиласи ва жигарларидан узоқда мусофирлик нонини еб юришди.

Иккови билан суҳбатлашиб, улардаги меҳнатга бўлган иштиёқни кўрдим. Иккиланмай, ташаббус билан чиқиб, 1 гектар ер ажратилишига кўмаклашдим. Бу шунчаки ер эмас, уларнинг ўз ватанида, фарзандлари бағрида рўзғор тебратиши учун берилган имконият эди. Санжар ва Дилора мусофирликка бутунлай нуқта қўйиб, нафақат ўзлари бой-бадавлат яшашмоқда, балки 10 нафар ишсиз ёшни ҳам ёнига олган.

2022 йилда атиги 2 киши билан бошланган “Асалчибобо” корхонаси бугун тўғри йўналиш ва қўллаб-қувватлашимиз натижасида юзлаб иш ўрни яратган йирик корхонага айланди.

Оилавий тадбиркорликдан йирик корхона даражасига кўтарилган Мухлиса Тоированинг қандолатчилик мажмуаси, маҳалламизнинг файзи бўлган 30 та темирчилик хонадонлари ҳам бор. Ҳар бирида 4-5 нафардан йигитлар банд. Демак, юздан ортиқ оиланинг қозони шу ерда қайнамоқда.

Миришкор деҳқон Фарҳод Очиловнинг иссиқхонаси ҳам бизнинг фахримиз. Унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашган эдик. Бугун иссиқхонада цитрус мевалар етиштириб, ердан қандай қилиб олтин ундириш мумкинлигини исботлаб беряпти.

Бир сўз билан айтганда, инсонга озгина имконият, ишонч ва тўғри йўналиш берсангиз, у ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади. Бу фикр исботини маҳалладошларим эришаётган натижаларда кўриб, гувоҳ бўляпман.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

БАЪЗАН ЁШЛАРГА КАТТА ИМКОНИЯТ ЭМАС, ТЎҒРИ ЙЎНАЛИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ

Ҳар бир ёшнинг ичида ўзига яраша қизиқиш, орзу, имконият ва баъзан ҳеч кимга айтилмаган муаммо яшайди. Уни топиш, тинглаш ва тўғри йўл кўрсатиш — бизнинг энг катта вазифамиз.



Севара АБДУКАРИМОВА,
Қўнғирот туманидаги
Ҳаким ота номидаги маҳалла ёшлар етакчиси.

Шу ният билан маҳалладаги 1 037 нафар ёшнинг ҳар бири билан танишишга, уларнинг қайси бири нимага қизиқишини билишга ҳаракат қилдик. Дастлаб бу рақам менга жуда катта кўринган. Бироқ касбимга бўлган меҳр мени ёшлар билан яқинроқ бўлишга ундади. Шундан сўнг ишимизни айнан манзиллиликдан бошладик.

Шу жараёнда 17 ёшли Хурсанд Карлибоев билан ҳам танишдим. У 11-синфда ўқийди. Тенгдошлари каби дарсга қатнайди, лекин кунининг қолган қисмини бекор ўтказмайди. Маиший жиҳозлар таъмири билан шуғулланиб ойига 2-4 миллион сўм даромад топяпти. Унинг қўлидаги ҳунар бир кунда пайдо бўлмаган. Маҳаллада ташкил этилган тўгараклар, устозлар кўмаги ва энг муҳими, ўзидаги қизиқишни касбга айлантириш истаги уни шу йўлга олиб келди. Бугун у ўқишдан кейин ишлайди. Аввалига икки ишни бирга олиб бориш қийин бўлганини айтади. Аммо вақтини тўғри тақсимлашни ўрганди. Менимча, Хурсаднинг энг катта ютуғи ҳам шу — у ёшлигиданоқ вақтини қадрлашни ва қизиқишини даромад манбаига айлантиришни ўрганяпти.

Ёшларнинг бўш қолиб кетмаслиги масаласига жиддий қараганимизнинг яна бир сабаби бор. Бўш вақт кўпинча эътиборсизлик билан қўшилиб кетса, турли муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис икки йил мобайнида маҳалламиз ёшларидан бирортаси жиноят содир этмаганини мен, энг аввало, катта масъулиятнинг натижаси, деб биламан. Бу натижа билан чекланиб қолмаймиз. Чунки ёшлар билан профилактик ишлашнинг энг яхши йўли — муаммо пайдо бўлишини кутиш эмас, ёшларнинг ҳаётида мазмунли машғулот учун жой яратиш.

Кимдир ерда ўз имкониятини кўряпти, кимдир компьютер қаршисида, яна кимдир устахона ёки сартарошхонада. Муҳими, ҳар ким ўз қизиқишига мос йўлни топяпти. Масалан, Икром Узоқбоев сартарошликка қизиқарди. Аммо қизиқишни бизнесга айлантириш учун унга имконият керак эди. Унга ажратилган 80 миллион сўм маблағ унинг учун айнан шундай имконият бўлди. Бугун Икром ўз сартарошхонасини очган, беш нафар йигитни иш билан таъминлаган, ўнга яқин шогирд тайёрлаяпти.

Маҳалламизда “устоз-шогирд” анъанасини ҳам жонлантиряпмиз. Ҳозир 64 нафардан ортиқ ёш турли касбларни устозларидан ўрганмоқда. Тазабай Давлетёров ҳам ана шундай ёшлардан бири. Бугун у ойига 6 миллион сўмгача даромад топяпти. Яна 19 нафар ишсиз ёш доимий иш билан таъминланди. “Ёшлар дафтари” орқали икки нафар ёшнинг шартнома тўлови қоплаб берилди. Хорижда меҳнат қилаётган 7 нафар ёш билан алоқани сақлаб турибмиз, миграциядан қайтган 9 нафар ёшнинг эса бандлиги таъминланди.

Мен ҳар куни шу манзараларга қараб битта нарсани ўйлайман: ёшлар билан ишлашнинг энг катта натижаси — уларнинг бугунини банд қилиш эмас, эртанги кунига йўл очишдир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

СУБСИДИЯ ПУЛИНИ ОМОНАТГА ҚЎЙСА БЎЛАДИМИ?

Дилором ҲАЙИТБОЕВА.
Сирдарё вилояти:


— Субсидия хабарномасини олганман, аммо ҳозирча ўзимга мос хонадон тополмадим. Дастлабки бадал пулимни уй сотиб олгунча банкка омонотга қўйиш имконияти борми? Бунда субсидия маблағи ҳам шу омонат ҳисобварағига ўтказиладими?

Қосим ОЛЛОЁРОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар сизга хабарнома келган бўлса, уй топгунга қадар маблағларингизни мақсадли ипотека омонати ҳисобварағида сақлаш ва улардан қўшимча даромад олиш имконияти мавжуд.

Бунинг учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати давомида ўзингиз танлаган тижорат банкига мурожаат қилиб, мақсадли ипотека омонати ҳисобварағини очишингиз мумкин. Шундан сўнг, дастлабки бадалнинг ўз маблағингиз ҳисобидан тўланадиган қисмини ушбу омонат ҳисобварағига жойлаштирасиз. Шундан кейин банк **«subsidyplatform.mf.uz»** платформаси орқали дастлабки бадал субсидиясини мазкур ҳисобварақка ўтказиш юзасидан буюртманома юборади. Буюртма асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 5 иш куни ичида субсидия маблағини Сизнинг ипотека омонати ҳисобварағингизга ўтказади.

Муҳим жиҳати шундаки, ҳисобварақдаги маблағларга улар келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобварақ ёпилгунга қадар бозор ставкаси асосида фоиз ҳисобланади. Демак, Сиз уй-жой танлаш жараёнида маблағларингизни шунчаки сақлаб турмайсиз, балки улардан фоизли даромад ҳам оласиз.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



ИБРАТ

“Ҳеч ким тайёр ёрдам кутиб ўтирмайди”

Инсонга тўғри йўналиш берилса, ечилмас муаммо, етилмас манзил бўлмайди

Агар йўлингиз Мингбулоқ туманидаги “Бозорбоши” маҳалласига тушса, сизни ўзига хос бир садо мафтун этади — “Тақ-тақ-тақ…”



Умида ҚЎШОҚОВА, журналист.

Кўча бўйлаб юрар экансиз, деярли ҳар бир хонадонда ёғочдан қути ясаётган аёллар, ўсмирлар ва нуронийларни учратасиз. “Бозорбоши”да бу йўналиш маҳаллага иқтисодий кўмак бераётган, аҳолини иш билан таъминлаётган катта бир ҳаётий мактабга айланиб улгурган.

Қути ясаётган ҳунармандлар меҳнати ортидан кунига ўртача 200–250 минг сўм даромад топмоқда. Бу маблағ оила рўзғорини бут қилиш, фарзандлар камолига сарфлаш учун жуда яхши ва барқарор манбадир. Ҳеч ким давлатдан тайёр ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўз ризқини ҳалол меҳнатидан қидиради.

Ижобий ўзгаришлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бунинг ортида инсон меҳнати, машаққати ва тизимли кўмак ётибди. Маҳаллада фаолият юритаётган тадбиркорлардан бири Ҳусниддин Мирзаахмедовнинг фаолият тарихи бунга яққол мисолдир. Атиги икки йил аввал у Ижтимоий реестрда турар эди. Оила бошлиғининг эртанги кунга ишончи суст, ўшанда аҳволи ҳозиргидек яхшиланишига ўзи ҳам ишонмаган. Аммо инсонга тўғри йўналиш берилса, ечилмас муаммо, етилмас манзил бўлмас экан. Ҳоким ёрдамчиси унга имтиёзли кредит расмийлаштиришда кўмаклашди.

— Бу маблағ эвазига замонавий ускуналар сотиб олинди, ***— дейди ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Беҳзод Ҳошимов.*** *— Натижада ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Икки йил олдин ёрдамга муҳтож бўлган инсон бугун нафақат ўз оиласини тиклади, балки ўнлаб маҳалладошларини ҳам иш ва маош билан таъминлади.*

Ҳудудда 4 211 нафар аҳоли истиқомат қилади. 67 нафар фуқаро қутичиликни расмий тадбиркорлик даражасига олиб чиққан. Энг муҳими, уларнинг атрофида 400 нафардан ортиқ маҳалладоши доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу жуда катта рақам, 400 та оилага ҳар куни барака ва ризқ кириб боряпти, дегани.

Бир сўз билан айтганда, оддий ёғоч бўлаги ҳам моҳир қўлларда қимматбаҳо маҳсулотга, ҳунар эса туганмас хазинага айланишини кўриш мумкин. Ҳа, аҳоли меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлмоқда. Ҳар куни “тақ-туқ” овози бир маромда таралиб турибди. Бу оҳангнинг номи — меҳнат, имконият ва ҳалол даромаддир.

ТАҲЛИЛ

...Хорижга ишлаш учун кетган ёшлардан бирининг телефон рақами ўзгарди. У иш жойини ҳам алмаштирди. Маҳаллада эса унинг эски маълумоти қолиб кетди. Бир неча ойдан кейин унинг иш ҳақи берилмаётгани ёки ҳужжатлари билан боғлиқ муаммо пайдо бўлса, бу ҳақда маҳаллада ҳеч ким билмайди...

ЁШЛАР ХОРИЖГА КЕТАДИ, МАСЪУЛИЯТ МАҲАЛЛАДА ҚОЛАДИ

Гулсанам АСАДОВА, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти етакчи мутахассиси.



...Бошқа бир йигит эса хорижда қайтиб келган. Унинг қурилиш соҳасида тажрибаси, касби бор. Лекин маҳаллада унга мос иш топилмагани учун яна хорижга чиқишни режалаштиряпти...

Миграция билан ишлашдаги асосий масала айнан шу икки ҳолатда: ёшлар кетган пайтда уни кузатиш ва қайтганидан кейин уни ҳаётга қайта мослаштириш ўртасида ахборот узилиб қолмаслиги керак.

2026 йил август ойида Миграция агентлиги эълон қилган маълумотлар бу масаланинг амалий аҳамиятини яна бир бор кўрсатди. Йилнинг дастлабки етти ойида хорижда ишлаётган фуқароларнинг иш ҳақи ва компенсациялари бўйича 622 та мурожаат кўриб чиқилиб, чет эллик иш берувчилардан юртдошларимиз фойдасига 570 минг АҚШ доллари ундириб берилган. Шу даврда 383 нафар фуқаронинг иш берувчи ёки воситачилар олиб қўйган шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари қайтарилган. Бу рақамлар миграциянинг ортида фақат иқтисодий мақсад эмас, балки меҳнат ҳуқуқлари, ҳужжатлар, хавфсизлик ва ҳуқуқий ҳимоя масалалари ҳам турганини кўрсатади.

Шу нуқтада ёшлар етакчисининг роли алоҳида аҳамият касб этади. Чунки хорижга чиқишни режалаштираётган ёшларни, энг аввало, маҳалла даражасида аниқлаш мумкин. У билан суҳбатда қайси давлатга бораётгани, қандай ишга жойлашиши, иш берувчиси кимлиги, меҳнат шартномаси бор-йўқлиги, яшаш шароити, иш ҳақи, тил билими ва аввалги миграция тажрибаси каби масалаларни ўрганиш мумкин. Бу маълумотлар кейинчалик ёшлар билан алоқани сақлаш ва муаммо пайдо бўлганда тегишли ташкилотларга тезкор мурожаат қилиш учун асос бўлади.

Қайтиб келган ёшлар билан ишлаш эса алоҳида босқич. У хорижда нима иш қилгани, қандай касб ва кўникма орттиргани, қанча маблағ жамғаргани, қандай режа билан қайтгани ўрганилиши керак. Агар у қурилиш соҳасида тажриба орттирган бўлса, маҳаллада шу йўналишда ишлаш имконияти бор-йўқлиги кўрилади. Тадбиркорликка қизиқса, ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда молиявий ва ташкилий имкониятлар тушунтирилади. Касбий малакаси етарли бўлмаса, қайта тайёрлаш ёки малака оширишга йўналтирилади.

Бу тизимда ёшлар етакчиси учун энг оддий, аммо муҳим бешта савол доимо аниқ бўлиши лозим: ёшлар қаерда, нима иш қиляпти, ҳуқуқий ҳолати қандай, қачон қайтиши мумкин ва қайтгач нима қилади? Шу саволларга жавоб бор экан, “еттилик”нинг бошқа аъзолари ҳам ўз вазифасини аниқ белгилай олади.

Шу маънода маҳаллада меҳнат миграцияси бўйича ишнинг мазмуни ҳам ўзгармоқда. Энди гап хорижга кетганлар сонини санаш ҳақида эмас. Гап ёшларнинг кетишидан олдин унинг ҳуқуқий ва меҳнат шароитларини тушунтириш, хорижда пайтида алоқани сақлаш, муаммоси юзага келса тегишли идораларга йўналтириш, қайтиб келганда эса унинг тажрибасини маҳалладаги иқтисодий имкониятга айлантириш ҳақида бормоқда.

Хорижга кетган ёшлар маҳалладан чиқиб кетмайди. Уларнинг оиласи ҳам, ҳуқуқи ҳам, келажак режаси ҳам маҳалла билан боғлиқ. Шунинг учун ёшлар етакчисининг вазифаси “кетганлар рўйхати”ни юритиш билан эмас, ёшларнинг кетишидан қайтишигача бўлган йўлини кузатиш, қайтгач эса уни барқарор ҳаётга қайтариш билан ўлчаниши керак.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.





ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА жамоатчилик фаоллари, журналистлар иштирокида соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар лойиҳаси муҳокама қилинди.



ТАЛАБА-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИДА “Жамиятда сақланиб қолаётган оилавий стереотипларни бартараф этишнинг долзарб масалалари” мавзусида конференция ўтказилди.



Тошкент шаҳрида хорижий давлатларда МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДА БЎЛИБ ТУРГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР билан очиқ мулоқот ўтказилди.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Малакали психолог ёрдамига эҳтиёж катта

Фаолиятим давомида аёллар билан идорада эмас, кўпроқ уларнинг уйида, турмуш шароити билан танишган ҳолда суҳбатлашишни маъқул кўраман. Сабаби, қуруқ гапдан кўра, ҳақиқий вазиятга гувоҳ бўлиш, муаммога ечим топишни янада осонлаштиради.



Омадхон АҲМЕДОВА,
Жалақудуқ туманидаги “Катта полвон” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Йил бошида “Аёллар дафтари”га 36 нафар ишсиз хотин-қиз киритилган эди. Бугун уларнинг 17 нафари меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлди. Айниқса, туман марказидаги тикувчилик корхонаси маҳалламиз аёллари учун ишончли манзиллардан бирига айланди. Ҳозир бу ерда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ойлик даромади 2 миллион сўмдан 8 миллион сўмгача етади. Биргина рақам орқали меҳнат билан аёлнинг оиладаги иқтисодий ўрни қанчалик мустаҳкамланишини кўриш мумкин.

Маҳалламиз қишлоқ ҳудудида жойлашгани боис аёллар бандлигини таъминлашда деҳқончилик асосий ўрин тутади. Шу мақсадда 39 нафар хотин-қизга 15 сотихдан узоқ муддатли ижара асосида ер ажратилди. Улар биринчи экин сифатида картошка, кейин эса чорва учун маккажўхори экишди. Ҳозир ҳосил йиғим-терими давом этмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир аёл картошкадан 7–8 миллион сўмгача даромад олди. Маккажўхори эса хонадондаги товуқ ва қорамоллар учун емиш бўлиб хизмат қилади. Яъни, ердан олинган фойда фақат сотилган маҳсулот пули билан ўлчанмайди. Унинг бир қисми оила дастурхонига, яна бир қисми чорва харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Қишлоқ аёли учун бу — даромад, тежамкорлик ва меҳнатга таянган имконият демак.

Маҳалламизда ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Шулардан бири — ишлаб чиқариш корхонасининг йўқлиги. Бўш майдон ва бинолар танқислиги туфайли каттароқ лойиҳаларни амалга оширишга қийналяпмиз. Бироқ имкониятни кутиб ўтиришдан кўра, мавжуд шароитдан фойдаланиш муҳим.

Шу маънода бўш турган кичик бинолардан бирида 25 ўринли хусусий боғчанинг ташкил этилгани эътиборга молик. Тадбиркор Дилнавоз Муродованинг ташаббуси билан очилган мактабгача таълим ташкилотида 3 та янги иш ўрни яратилди. Бу фақат болалар учун таълим ва тарбия маскани эмас, шунингдек, оналарга ҳам янги имкониятларни яратди. Фарзандини ишончли жойга қолдирган аёл мавсумий меҳнатга чиқиши мумкин. Масалан, фермер хўжаликларида ишлаётган опа-сингилларимиз кунига 150-180 минг сўмгача даромад олишмоқда.

“Еттилик” билан ҳамкорликда хотин-қизлар учун кўрпа-тўшак тикиш йўналишини ҳам ривожлантиряпмиз. Шу кунга қадар икки нафар аёл бу ҳунарни ўзлаштириб, энди билганларини қўшни қизларга ўргатяпти. Бу оддий ҳунар ўргатишдан кўра, кенгроқ маънони англатади. Сабаби, бир аёл қўлидаги ҳунар иккинчи аёл учун касбга, касб эса мустақил даромад манбаига айланиши мумкин. Энг муҳими, билим унутилмайди — аксинча, янги авлодга ўтади.

Аёллар билан ишлаш фақат бандлик ёки даромад масаласи билан чекланмайди. Баъзан бир хонадондаги руҳий муҳитни соғломлаштириш, оилани сақлаб қолиш ҳам энг муҳим вазифага айланади. Бугунги кунда зўравонлик ва оилавий низолар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 2 та ҳимоя ордери берилган.

Айни пайтда бир хонадон 5-6 ойдан бери давом этаётган низо юзасидан иш олиб боряпмиз. Оилада уч нафар фарзанд бор, иқтисодий шароитлари ҳам яхши. Аммо оилавий муносабатлардаги зиддият барибир ўз ечимини топмаяпти. Келин алоҳида яшашни истайди, турмуш ўртоғи эса бунга рози эмас. Қайнона мурosaга тайёр бўлса-да, ўғлининг қарори ўзгармаяпти.

Бундай вазиятда масалани фақат “ким ҳақ, ким ноҳақ?” деган ёндашув билан ҳал қилиб бўлмайди. Оиладаги ҳар бир томоннинг ҳис-туйғуси, манфаати ва қарашини чуқур ўрганиш талаб этилади. Шунинг учун маҳаллага доимий психолог бириктирилишига эҳтиёж бор. Чунки айрим муаммоларни ҳал қилишда малакали суҳбатдош, холис ёндашув ва ўз вақтида берилган психологик кўмак кўпроқ керак бўлади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ОҒРИҚЛИ ДАМЛАРДА ТАЯНЧ, ҚИЙИН КУНЛАРДА УМИД, ЯНГИ ҲАЁТ САРИ ЙЎЛ КЎРСАТУВЧИ

Инсон ҳаётида шундай лаҳзалар бўладики, бир оғиз яхши сўз, ўз вақтида кўрсатилган ёрдам ёки ҳолидан хабар олишнинг ўзи ҳам унинг дунёқарашини ўзгартириб юбориши мумкин. Айниқса, ҳаёт синовлари оғир келган киши учун эътибор ва ғамхўрлик катта таянчдир.

Маҳлиё ҒОЙИПОВА,
Оҳангарон туманидаги “Тут” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламиздаги Анҳор кўчасида Пайзиддин ота Бозоров истиқомат қилади. Суҳбатлашсангиз, гаплари қувноқ, ўзи хушмуомала инсон эканини сезасиз. Аммо ҳаёт унга ҳам турли синовлар юборган.

“Хонадонбай” ўрганиш ва сўровнома ўтказиш жараёнида Пайзиддин ота билан суҳбатлашганимда, унда ногиронлик белгилари мавжудлигини сезиб қолдим. Суҳбат давомида у киши ногиронлик бир муддатга белгилангани, кейин эса турли сабаблар туфайли уни қайта расмийлаштиришга вақт ва имконият топилмай қолганини айтди. Турмуш ўртоғи Муҳаббат ая Бозорова вафот этгач, Пайзиддин ота анча тушкунликка тушиб қолди.

Мавжуд муаммолар сабаб оила бўйича кейс очилди. Аввало, даромаднинг пастлиги ва турмуш шароитининг оғирлиги аниқланди. Мунтазам равишда шифохонага қатнаб даволаниш зарурати ҳам оила учун қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Тиббий хавф сифатида ногиронликни қайта белгилаш зарурати, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига эҳтиёж мавжуд эди. Хонадоннинг ҳолати анча ночор, уй-жойи таъмирталаб ва ҳатто қулаш хавфига яқин ҳолатда эди. Дезинфекция ишларини амалга оширишга ҳам эҳтиёж борлиги аниқланди.

Ҳомийлар ташаббуси билан уйнинг фасад қисми таъмирланди, янги эшик ва деразалар ўрнатилди. Саховатпеша кишилар кўмагида икки бош тана ва икки бош қўй берилди. Бугунги кунда уларнинг сони саккиз бошга етди. Бу эса оддий ёрдам эмас, аксинча, инсоннинг меҳнат қилиш ва даромад топиши учун шароит яратишдир. Хонадонига 5 киловатт қувватга эга қуёш панеллари ҳам ўрнатилди. Бугун Пайзиддин ота ўз эҳтиёжидан ортиқ электр энергиясини таъминот тизимига сотиб, қўшимча даромад олиб келмоқда. Бир вақтлар даромади паст, соғлиғи билан боғлиқ муаммолари бор, ногиронлигини қайта расмийлаштиришга имкони етмаган, уй-жойи таъмирталаб ва умр йўлдошидан айрилган инсон бугун ўз хонадонида бошқача ҳаёт кечирмоқда.



Пайзиддин отадан ҳол-аҳвол сўраб борганимда, у киши ҳар сафар самимий дуолар қилади. Кўзларига ёш олиб, турмуш ўртоғи Муҳаббат аяни эслайди. “Кошки, шу кунларни у ҳам кўрганида эди”, деган гапларни қайта-қайта такрорлайди. Бу сўзлар инсонни ўйлантиради. Чунки биз кўрсатаётган ҳар бир ижтимоий хизмат ортида оддий қоғоз ёки ҳужжат эмас, балки инсон тақдири, унинг умиди ва келажаги турибди.

Энг муҳими, бир инсоннинг оғриқли ҳаёти бироз енгиллашди, дунёқараши ўзгарди, эртанги кунга умид билан назар ташлай бошлади. Шунинг ўзи катта натижа эмасми? Зеро, ижтимоий ҳимоя — ҳаётнинг оғриқли зарбаларида инсон учун таянч, қийин кунларда эса умид ва янги ҳаёт сари йўл кўрсатувчи кучдир.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Жабрланганларга бепул юридик ёрдам кўрсатилади

Наргиза ҚОДИРОВА.
Қашқадарё вилояти.

– Эшитишимча, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилар экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи:

– Яқинда Ўзбекистон Республикаси қонуни билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар ўзлари ва вояга етмаган фарзандлари учун никоҳ тузилганлиги ҳамда туғилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномаларни олишда давлат божи тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, тазйиқ ва зўравонлик ҳолати бўйича суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга мурожаат қилган жабрланувчилар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундай ёрдам алимент ундириш, уйга киритиш ёки кўчириш, оталикни белгилаш ёки оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, боланинг яшаш жойи ва у билан кўришиш тартибини белгилаш, никоҳдан ажратиш, мол-мулкни бўлиш, етказилган зарарни ундириш, ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш каби масалалар бўйича кўрсатилади.

МУЛОҲАЗА

Бир дона гул бир умрни безайдиган гулзор бўлади

Эшик тақиллади. Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли Дилором опа ҳол сўраб, Маҳинанинг хонадонига келди. Ҳовлида сочилиб ётган кийимлар, бир бурчакда уюлиб турган кераксиз буюмлар, супурилмаган йўлак...

Мавлуда НИЗОМОВА,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бошқарма бошлиғи.

— Опажон, ўзим ҳам биламан. Лекин иш, болалар, рўзғор... Ҳаммасига бирдек улгуролмаяпман, — деди Маҳина хижолат аралаш.

Дилором опа эса уни кўймади.

— Мен уйингдаги камчиликни санаш учун келмадим. Қани, ҳаммасини биргаликда ҳал қиламиз, — деди.

Улар, аввало, кераксиз буюмларни саралашди. Болаларга ҳам кичик вазифалар берилди: бири китобларни тахлади, бири ўйинчоқларни йиғди. Ҳовли супурилди, кийимлар жой-жойига қўйилди. Қарабсизки, хонадон шинам ва файзли масканга айланди.

Энг катта ўзгариш Маҳинанинг чиқарган хулосаси бўлди. У энди ҳар куни ишларни режалаштирар, фарзандларини ҳам рўзғор юмушларига жалб қилар, ҳар бир буюмни ўз жойига қўйишга ҳаракат қиларди.

Бу кичик воқеа **баъзан инсонга танбеҳ эмас, тўғри йўл кўрсатиш кутилган натижани бериши мумкинлигини яна бир бор исботлади.**

Саранжомлик — фақат тозалик эмас

Инсоннинг маданияти унинг муомаласи ёки кийинишидагина эмас, балки яшаш тарзида ҳам кўринади. Озода хонадон — ундаги инсонларнинг меҳнатга, тартибга, вақт ва атрофдагиларга муносабатини акс эттирувчи ўзига хос кўзгу.

Саранжомлик — буюмларни асраш, ортиқча нарсаларни йиғмаслик, исрофга йўл қўймаслик, болага тартибни ўргатиш, кўча ва маҳалла ободлигига бефарқ бўлмаслик каби кўплаб одатларни қамраб олади. Шунинг учун бу масалада хотин-қизлар фаолининг иштироки оддий тарғиботчиликдан анча кенг.

Хотин-қизлар фаоли — йўл кўрсатувчи

Хотин-қизлар билан ишлашда энг муҳим жиҳат — инсонни ўзгаришга ундашнинг тўғри усулини топишда кўринади. “Уйингизни тоза тутинг”, “Ҳовлингизни супуринг”, “Саранжомликка аҳамият қаратинг”, деган гапларни айтиш осон. Лекин бу ҳаракатлар уй бекасининг кундалик одатига айланиши учун унинг сабабини тушуниш, имкониятини ҳисобга олиш ва амалий кўмак бериш зарур.

“Менинг уйим”дан “бизнинг маҳалламиз”гача

Саранжомлик хонадон остонасидан бошланади, аммо бу шу ерда тўхтаб қолмаслиги керак. Ҳовлиси озода, лекин кўчага чиқинди ташлайдиган, уйини безатади, аммо умумий ҳудудга бефарқ қарайдиган муносабатда ички зиддият бор. Шу боис хотин-қизлар фаоли аёлларни нафақат ўз хонадонларини, балки маҳалла муҳитини ҳам асрашга даъват этиши муҳим.

Бир хонадон олдига гул экиш — битта гулзорнинг бошланиши бўлиши мумкин. Бир аёл чиқиндини белгиланган жойга ташласа — бу бошқага намуна бўлади. Бир оила ҳовлисини обод қилса — қўшнида “мен ҳам қила оламан”, деган иштиёқ пайдо бўлиши аниқ.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Қўлда маҳорат, қалбда жасорат билан

Чилонзор туманининг “Тулистон” маҳалласида фаолият юритаётган ҳунарманд Фотима Қурбонованинг ташаббуси бир касбнинг ортида қанча имконият яширинганини кўрсатмоқда.

“YARNTEXTILE FOTIMA” бренди асосчиси бўлган Фотима Қурбонова тўқувчилик, каштачилик ва миллий услубдаги тақинчоқлар тайёрлайди. Унинг маҳсулотлари Европа давлатларига экспорт қилинаётгани миллий ҳунармандчиликка бўлган талабни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

“Аёллар дафтари”га киритилган Фотима Қурбонова давлат кўмаги асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Энди эса ўз тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриб, шогирдлар тайёрламоқда. Улар орасида “Аёллар дафтари”да турган 30 нафар ишсиз хотин-қиз ҳам бор. Бугун улар ўзини ўзи банд қилган ҳолда даромад топмоқда.

Ҳунармандниг кейинги мақсади — сайёҳлар гавжум бўлган Бухоро шаҳрида фаолиятини йўлга қўйишдан иборат. Ташаббус амалга ошса, миллий маҳсулотлар кўламини кенгайтириш баробарида хотин-қизлар учун янги меҳнат имкониятлари яратилади.

Фотима Қурбонованинг фаолияти бир жиҳатни яққол кўрсатади: ҳунар инсоннинг ўзини таъминлаш воситасигина эмас, балки бошқаларга ҳам иш ва даромад эшигини очадиган имкониятдир.

Оиладаги тарбия мактаби

Бола “тартибли бўл”, деган гапдан кўра, катталарнинг амалидан кўпроқ ўрнак олади. Она кийимини жойига қўйса, фарзанд ҳам шунга кўникади. Ота кўчага чиқинди ташламаса, бола ҳам жамоат жойини эҳтиёт қилади. Оилада ҳар ким ўз юмушига масъулият билан ёндашса, фарзандда ҳам меҳнатсеварлик ва масъулият шаклланади.

Шу нуқтаи назардан хотин-қизлар фаоли оналар билан ишлаш орқали бутун бир оила муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин. Фарзандга хонасини йиғиштирни ўргатишдан олдин, унга ҳар бир буюмнинг ўз жойи борлигини кўрсатиш, тозаликка риоя қилишдан аввал, бу одатнинг нима учун кераклигини тушунтириш муҳим. Чунки **тартиб ўргатилмайди, аввало, кўрсатилади, кейин эса одатга айланади.**

Танбеҳ эмас, таъсир

Хотин-қизлар билан ишлашда инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш алоҳида аҳамиятга эга. Хонадондаги камчиликни бошқалар олдида муҳокама қилиш ёки аёлни уялтириш орқали барқарор натижага эришиб бўлмайди. Аксинча, ишончли мулоқот, шахсий намуна ва амалий ёрдам кўпроқ самара бериши мумкин.

Шунинг учун хотин-қизлар фаолининг ҳар бир ташрифи “текширув” эмас, **ишонч кўприги** бўлиши керак. Унинг бир оғиз яхши гапи, амалий маслаҳати, ташаббусни қўллаб-қувватлаши баъзан узоқ танбеҳлардан кўра кучлироқ таъсир қилади. Зеро, **обод маҳалла ҳар бир хонадондан бошланган эзгу одатларнинг бирлашган манзилидир.**



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Мирзачўл туманида 50 НАФАРГА ЯҚИН ТАДБИРКОР БИЛАН очиқ мулоқот ўтказилди.



Навоий вилоятида тузилган махсус ишчи гуруҳи ХАТИРЧИ МАҲАЛЛАЛАРИДА СОЛИҚ ҚАРЗИНИ УНДИРИШ бўйича профилактик тадбирлар олиб борди.



ВОБКЕНТ, ҒИЖДУВОН ВА ШОФИРКОН ТУМАНЛАРИДА маҳалладаги тадбиркорлар билан амалий семинарлар ўтказилди.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

Одамлар ишончи, умиди ҳар сония ҳушёрлик ва адолатга ундайди

Тизимдаги кўп йиллик иш тажрибамга таяниб айтсам, профилактика инспекторининг фаолияти тўртта муҳим устунга асосланади. Биринчи навбатда, доимо халқ ичида бўлишга ҳаракат қиламан.

Элдорбек МУХТОРОВ,
Наманган тумани Ибрат номидаги маҳалла профилактика инспектори.



Ишимнинг асл мазмуни ва гўзаллиги ҳам хонадонма-хонадон юриш, одамларнинг дардини тинглашдан иборат. Маҳаллада шундай оилалар бўладики, уларнинг ички муҳитидан, ижтимоий аҳволидан вақтида хабардор бўлинмаса, кичик келишмовчилик катта фожиага айланиши ҳеч гап эмас.

Вазифам — ўша оилавий низоларни жиноят кўчасига етиб бормасдан туриб, барвақт ҳал этиш. Шундагина аҳоли бизни жазоловчи эмас, балки ўз уйи, маҳалласи ва фарзандларининг чинакам ҳимоячиси сифатида қабул қилади. Эътиборлиси, 2025 йилгача “қизил” тоифадаги маҳалламиз жорий йил “яшил” тоифага айланди.

Жиноятчиликдан холи ҳудудга айланиш учун, аввало, “еттилик” бир бўлиб, муаммоларга ечим топдик. Биримизнинг камчилигимизни иккинчимиз тўғрилаб, тўлдириб бордик. Ҳар бир хонадонга кириб, оилаларнинг муаммосини жойида ҳал этяпмиз. Хизмат вазифамдан келиб чиқиб, фуқаролар билан самимий мулоқотга киришиб, дилига йўл топишга эришяпмиз.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони камайишида профилактик тадбирлар яхши натижа беряпти. Мисол учун, ички кўчаларга 19 та юздан таниб олувчи, кириш-чиқиш жойларига 20 та замонавий камера ўрнатдик. Қўриқлаш бўлимининг ташвиш тугмаси ишлаб турибди.

Бугун нафақат имкониятлар кенгайди, балки имтиёзлар яратилди. Яширишнинг ҳожати йўқ, илгари вақтимизнинг аксар қисми турли ҳисобот ва бизга алоқаси бўлмаган топшириқларни бажариш билан ўтарди. Устозлар, тажрибали ҳамкасблар билан суҳбатлашганимизда, аввал бу каби шароит, кенг ва ёруғ хоналар, замонавий техник ускуналар йўқлигини таъкидлашади. Энди бизга хос бўлмаган топшириқлар берилмаяпти, ортиқча юкламалар тугатилди. Фаолиятимизга асоссиз аралашиш ёки тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилгани эса ишимизда катта суянч бўлди.

Кейинги пайтда инспекторларнинг ваколатлари янада кенгайди. Бу бизга ҳудудда тартиб ўрнатиш учун қўшимча куч ва қонуний асос берди. Масалан, маҳалла ичидаги йўл қоидабузарликлари бўйича 4 турдаги жаримани ўзим мустақил қўллай олярпман. Аммо бу ҳамма нарсани жарима билан ҳал қилиш керак, дегани эмас.

Энг катта ютуғимиз — биринчи марта содир этилган 17 турдаги майда ҳуқуқбузарликлар учун жарима эмас, расмий огоҳлантириш бериш ваколатига эга бўлганимиздир. Инсонга хатосини англаш учун имкон бериш керак. Бу ваколатлар маҳалладаги майда безорилик ва тартиббузарликларга жойида, маҳалла фаоллари кўз ўнгида чек қўйиш имконини берди.

Хизмат давомида фуқаролар билан бўладиган ҳар бир мулоқот, суҳбат тўлиқ бодикамерага муҳрланади. Бу ходимни ҳам, фуқароларни ҳам масъулиятли бўлишга ўргатди. Фаолиятимизга баҳо берадиган тизим жорий этилди. Янги тартибга кўра, агар аҳолининг ярмидан кўпи менга ишонч билдирмаса, лавозимимдан кетаман. Одамларнинг ана шу ишончи ва кўзларидаги умид мени ҳар сонияда ҳушёр ва адолатли бўлишга ундайди.

Биласизми, маҳаллада турли тақдирлар, турли феъл-атвордаги инсонлар бор. Оилавий келишмовчиликлар вақтида аниқланмаса, улар катта жиноятга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли фаоллар билан низоли оилаларга бориб, уларни тинглаймиз. Мақсадимиз — кимнидир жазолаш ёки устидан баённома тузиш эмас, муаммони жиноят даражасига етиб бормасдан туриб, адолат билан, иссиғида ҳал этиш. Одамлар биздан назорат эмас, адолат кутади.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Ҳисобдорлик — шаффофлик ва очиқликка йўл

Эндиликда профилактика инспектори халқ олдида ҳисобот бермоқда. Ана шундай ноанъанавий тадбир Чилонзор туманидаги “Фидокор” маҳалласида ташкил этилди.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Жараёнда маҳалла аҳли, оқсоқоллар, хотин-қизлар ва ёшлар фаоллари юзма-юз мулоқотга киришди. Инспектор ҳудудда содир этилган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар, уларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар, низоли оилалар ва муаммоли фуқаролар билан олиб борилган ишлар, “хонадонбай” юриш давомида аниқланган ва ҳал этилган ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар таҳлили билан таништирди.

*— Ушбу тизимнинг жорий этилиши профилактика инспекторига бир қанча муҳим ижтимоий ва ҳуқуқий устуворликларни тақдим этмоқда, **— дейди Чилонзор туманидаги “Фидокор” маҳалласи профилактика инспектори Абдурашид Мирзалимов.** — Жумладан, давлат ва халқ ўртасидаги ишонч кўприги мустаҳкамланди. Фуқаролар ўз маҳалласида ким ишлаётганини, у нималар билан бандлигини кўряпти. Мавҳумлик йўқолди, шаффофлик пайдо бўлди.*

Ҳисобот давомида маҳалланинг қайси нуқтасида ҳуқуқбузарликлар кўп содир бўлаётгани таҳлил қилинди. Ўша хавфли ҳудудларга видеокамералар ўрнатиш, ёритиш тизимини яхшилаш ёки патруллик йўналишини ўзгартириш таклифи ўртага ташланди. Бу — жиноятчилик оқибати билан курашиш эмас, унинг барвақт олдини олиш имконини беряпти. Қолаверса, фуқаролар тўғридан-тўғри савол бериш, шикоят қилиш ёки ўз таклифини билдириш имкониятига эга бўляпти. Масалан, ичкиликка ружу қўйган қўшни, оилавий зўравонлик, тунда шовқин солиш ёки маҳалла ҳудудидаги шубҳали шахслар ҳақида очиқ айтиляпти. Муаммо жойида ечиляпти.

Бу тизимнинг ўзига хос яна бир жиҳати — ўртада ишонч уйғоняпти. Жараёнда “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлик кучайяпти. Масалан, жиноят содир этишга мойиллиги бор ишсиз ёшлар аниқланса, ўша заҳоти ҳоким ёрдамчиси уларни ишга жойлаштириш ёки субсидия бериш чорасини кўряпти, хотин-қизлар фаоли ажралиш ёқасидаги оилалар билан ишлаяпти.

Бир сўз билан айтганда, осойишталикни таъминлаган инспектор аҳоли қўлловига эришади, акс ҳолда, ўз норозилигини билдиради. Ҳатто, унинг лавозимида қолиш-қолмаслиги кун тартибига чиқади.

ТАВСИЯ

Маркировка кодини текшириб олинг!

Дўконда товар танлаганда унинг нархи ва ташқи кўринишига қарабгина қарор қилиш етарли эмас. Айрим турдаги маҳсулотларда маркировка коди бўлиши шарт.

Маркировка — товарга бириктириладиган махсус рақамли код бўлиб, у орқали маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчиси ёки импортчиси, келиб чиқиши ва қонуний савдога киритилгани ҳақида маълумот олиш мумкин.

Кодни текширмаслик эса харидорни товарнинг ҳақиқий келиб чиқиши ва қонунийлиги ҳақидаги муҳим маълумотдан маҳрум қилади. Бундай ҳолат ноқонуний ёки сифати кафолатланмаган маҳсулотларнинг савдога кириб келишини осонлаштириши, қонун талабларига амал қилаётган тадбиркорлар учун эса носоғлом рақобатни юзага келтириши мумкин.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Шунинг учун харидор маҳсулот қадоғидаги маркировка кодини **“Soliq” мобил иловаси** орқали сканерлаб, товар ҳақидаги маълумотларни текшириб олгани маъқул. Тадбиркорлар эса мажбурий маркировкаланадиган товарни қабул қилишда код борлиги ва унинг айнан шу маҳсулотга тегишли эканини текшириши, кодсиз товарни савдога чиқармаслиги керак.



Агар мажбурий маркировкаланиши лозим бўлган товар кодсиз сотилаётган бўлса, савдо нуқтаси ва товар ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда “Soliq” мобил иловаси орқали мурожаат юбориш мумкин.

Оддий текширув — шубҳали товардан сақланиш ва қонуний савдони қўллаб-қувватлашнинг энг осон йўлларидан биридир.

Қарздорлик сабабини англаш уни камайтиришдан муҳимроқдир

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ



Маҳаллада солиқ масалалари билан ишлар эканман, кўпинча қарздорлик ортида шунчаки тўланмаган сумма эмас, одамнинг ҳал қилинмай турган муаммоси борлигини кўраман.

Шавкат МУРОДУЛЛАЕВ,
Косон туманидаги “Қорабайир”, “Этак”, “Эсабой”, “Чорбоғ”, “Шербек”, “Хўжақудуқ” маҳаллалари солиқ инспектори.

Шундай фуқаролардан бири Маҳмуд ака банкдан кредит олиб, маҳалланинг чеккароқ қисмида кичик озиқ-овқат дўкони очган эди. Дастлаб савдоси ёмон кетмади. Кейинчалик харидорлар камайиб, дўконнинг ижара ҳақи, электр энергияси, товар олиш харажатлари ва солиқ мажбуриятлари унинг имкониятидан ошиб кета бошлади. Кредит тўлови ҳам кутиб турмасди. Бир куни дўконига кирганимда, расталардаги маҳсулотлар анча камайган, ўзи эса харидор кутиб, ўйчан ўтирарди.

Суҳбат давомида муаммо фақат савдонинг сустлигида эмаслигини тушундим. Дўкон жойлашган ҳудуд четроқда, асосий қатнов йўлидан узоқ эди. У эса кредит олган пайтда буни етарлича ҳисобга олмаган. Энг оғири, “дўконни ёпиб қўйсам, кредитим нима бўлади, давом эттирсам харажатларимни қандай қоплайман?” деган вазиятга келиб қолган эди.

Мен, аввало, унинг солиқ мажбуриятларини қайта кўриб чиқдим. Қайси тўловлар айнан унинг фаолиятига тегишли эканини, уларни қайси муддатларда амалга ошириши кераклигини тушунтирдим. Солиқ ҳисобини тартибга келтириб, мавжуд қарздорликни босқичма-босқич ёпиш имкониятлари бўйича қонунчилик доирасида тушунтириш бердим. Шу билан бирга, масалани “маҳалла еттилиги”га олиб чиқдик.

Маҳалла фаоллари дўкон эгаси билан биргаликда жой масаласини кўриб чиқди. Маҳалланинг ичкарироқ, одамлар кўпроқ қатнайдиган қисмида бўш турган кичик савдо жойи борлиги аниқланди. Жой эгаси билан келишилиб, унга қулайроқ шартларда фойдаланиш имконияти яратилди. Қўшнилари ҳам четда турмади: дастлабки кунларда ўзлари шу дўкондан харид қилишди, айримлари таниш-билишларини йўналтирди. Маҳалла фаоллари эса унинг дўконини аҳолига таништиришга кўмаклашди.

Мен эса тадбиркорнинг солиқ ҳисобини кузатиб бордим. Ҳар сафар унинг олдига борганимда фақат “қанча қарзингиз бор?” деб сўрамадим. Савдоси қандай кетаётганини, тўловларини ўз вақтида амалга ошира оляптими, ҳисоб-китобини тўғри юритяптими — шуларни ҳам гаплашдик. Вақт ўтиши билан дўконнинг харидори кўпайди. Тадбиркор аввалги жойидаги зарарли тажрибасидан хулоса чиқариб, янги жойда савдо ҳажмини ҳисоблаб иш юрита бошлади.

Бир неча ой ўтиб, ўша дўконга яна кирдим. Расталар тўла, харидорлар бор эди. Энг муҳими, тадбиркорнинг ўзида ҳам аввалги хавотир йўқ. У кредитини тўлашни давом эттиряпти, солиқ мажбуриятларини ҳам ўз вақтида бажаряпти.

Бу воқеа мен учун оддий бир тадбиркорнинг муаммоси бўлиб қолмади. Чунки солиқчи сифатида бизнинг вазифамиз фақат тўловни талаб қилиш эмас. Фуқаронинг қонуний фаолият юритиши учун муаммо нимада эканини кўриш, уни тегишли ташкилот ва маҳалла билан боғлаш, солиқ мажбуриятларини тўғри тушунтириш ҳам ишимизнинг бир қисми. Баъзан одамга катта маблағ эмас, тўғри йўлни кўрсатиш ва ўз вақтида кўмак беришнинг ўзи оёққа туриб олиши учун етарли бўлади.

Субсидияга ариза бериш тартиби янада соддалашди

МЕНДА САВОЛ БОР...

Наргиза АЛИЕВА. Чортоқ тумани: ***— Мен субсидияга ариза бермоқчиман. Бунинг учун ҳоким ёрдамчисига учрашишим керакми?***



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” НТТ ҳуқуқшуноси:

— Йўқ, энди сиз “my.gov.uz” портали орқали ҳам шартноманинг бир қисмини қоплаш учун субсидияга ариза беришингиз мумкин.

Бу жараёнда “my.gov.uz” портали ёки “mygov” иловаси орқали қидирув бўлимидан “Давлат тиббиёт ходимларининг фарзандларига контракт қийматини қисман қоплаш” хизматини танлайсиз. Кейин қадамма-қадам кўрсатмаларни бажариб кетаверасиз. Ҳеч кимга бориб учрашиш шарт эмас.



Пойтахтимизда “АҲОЛИНИНГ ЗАИФ ҚАТЛАМЛАРИНИ ижтимоий ҳимоя қилиш ва интеграциялашувига кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида учрашув бўлиб ўтди.



РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ Наманганда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар ва янги хизматларни ўрганди.



Ўзбекистонда ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ҳолатларига жавоб бериш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги ташаббус бошланди.

МУШОҲАДА

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ДУНЁГА КЕЛТИРИШ УЧУН ТИББИЙ МАДАНИЯТИМИЗ ЕТАРЛИМИ?

...Бир маҳалладошим дабдабали тўй қилиб, қиз чиқарди. Сарполарининг ками йўқ. Санъаткорларни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Орадан уч ой ўтмай, маҳалладошимнинг оёғи шифохонадан узилмай қолди. У қизининг буйрагидаги кучли шамоллаши ҳомилага таъсир қилиши мумкинлигидан куюнарди. Тўйдан аввал келиннинг тиббий кўригини ҳам “амаллашган” экан...

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.



Ҳа, ота-она қизининг бахтли бўлиши учун ҳамма нарсани муҳайё қилишади-ю, лекин соғлиғи билан кўп ҳам қизиқишмайди. Ана шу биргина хато ўтказилган дабдали тўйни ҳам, қўша-қўша сарполарни ҳам чиппакка чиқаради. Улардан кўзланган бахт ҳам бир зумда ҳавога учади.

Тан олиш керак, кўпинча андиша устунлик қилиб, қизимиз билан унинг саломатлигига оид нозик масалаларда очиқ-ойдин гаплашишга истиҳола қиламиз. Она сўраб-суриштирмагач, қиз ҳам гап очишга ийманади. Ўсмир қизини гинеколог қабулига олиб боришни эса она ўзига эп кўрмайди...

17-18 ёшли қизларга “Соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларни кимга айтасиз?”, деган савол билан мурожаат қилганимизда, уларнинг 40 фоизи саломатлигидаги арзимаган ўзгаришларга аҳамият бермаслигини, шифокор ёки онаси билан бу мавзуда гаплашишга истиҳола қилишини билдирди. Қизларнинг 30 фоизи эса бу борада кўпроқ опа ёки келинойилари билан маслаҳатлашиши маълум бўлди. Саноқли қизларгина онаси бу борада энг яқин сирдоши эканини қайд этишди.

Кўриниб турибдики, ҳали оилада қиз ва онанинг ўзаро ҳамфикрлиги анча паст кўрсаткичда. Тўғри, қизларнинг ўзи шифокорга мурожаат қилиши ёки тажрибали инсонлардан маслаҳат олиши яхши, албатта. Лекин қандайдир касаллик аломатларига бепарво қарашни қандай изоҳлаш мумкин? Бу муаммонинг чуқур илдиз отиб кетмаслигига кимлар масъул? Қандай жиҳатлар бизнинг эътиборимиздан четда қоляпти?

ЯШИРИН ДАРД ЭРТАГА БЎЙ ЧЎЗАДИ

— Қизлар 12-14 ёшдан йилига бир марта гинеколог кўригидан ўтиб туриши жуда муҳим, ***— дейди Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникаси бош шифокори, акушер-гинеколог Азиза Ширинова.*** *— Уларни бирор хасталик безовта қилмаса-да, ўтиш даврининг турли ўзгаришлари доимий назорат қилиб борилади. Юзага келиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олди олиниб, вақтида даволаб борилса, келажакда унинг соғлом фарзанд дунёга келтиришига замин яратади.*

Лекин, афсуски, қизидаги бирор безовталикка “ўзи шундай бўлиб туради”, деб бепарволарча ёндашадиган оналар ҳам анчагина. Мактаб ва бошқа ўқув юртларида балоғат ёшидаги қизларга репродуктив саломатлик борасида тушунтириш ишлари муайян натижа бериши учун таълим даргоҳи ва оила ҳамкорлиги керак. Ёш қиз олган билимларини ўзига татбиқ этишда онанинг кўмагига муҳтож.

РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР!

Шифокор кўригига борганимда чақалоқ кўтарганча навбат кутиб турган ёш келинчак эътиборимни тортди. Ранги докадек оқариб кетган. Ҳол-аҳвол сўраб билсам, қўлида етти ойлик чақалоғи билан яна иккинчи фарзандни дунёга келтириш арафасида турган экан. Қайнонаси ёшлигингизда туғиб олинг, деб сира қўймабди. Шифокорлар унда камқонликнинг оғир кўриниши бўлгани боис мунтазам даволаниш зарурлигини айтгандан кейингина кўрикка келибди...

— Бўлажак оналар ўзидаги жисмоний ва руҳий ўзгаришларни онгли равишда англаб, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туриши, мутахассис маслаҳатини олиши, керак бўлса, бу ҳақда махсус адабиётлар билан танишиши, муттасил ўқиб-ўрганиши шарт, ***— дейди психолог Венера Эрматова.*** *— Шунда ўзида бирор ўзгариш сезса, тезда шифокорга мурожаат этиш кераклигини тушуниб етади. Афсуски, бугун қизларимиз ўз соғлиги, руҳияти, келажакдаги ҳаёти ва оналик бахти учун масъулиятни тўла ҳис қилишмаяпти.*

Айрим аёллар фарзанд кўришни шунчаки, оддий биологик ҳолат, деб билади. Ҳар бир қизда “Мен турмушга чиқиб, ўзим ва шу мамлакат келажаги учун зарур бўлган соғлом фарзандни дунёга келтираман”, деган масъулиятли туйғуни шакллантириш керак.

Юқоридаги фикр ва ҳолатлар ҳали бу борада қилинадиган ишларнинг кўплигини кўрсатмоқда. Агар ҳар бир аёл ўзини ҳурмат қилса, туғилажак фарзанди олдидаги масъулиятни унутмайди. Шундагина улар соғлом авлодни дунёга келтиришга ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

КЎРСАТКИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ 3,9 ФОИЗГАЧА ҚИСҚАРДИ

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълум қилишича, 2026 йилнинг дастлабки саккиз ойида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилалар даромадини ошириш учун 515 мингта оила учун индивидуал режалар ишлаб чиқилган. Натижада 161 минг фуқаро ишга жойлаштирилган, 304 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинган..

Маҳаллаларда 55 мингга яқин микролойиҳа йўлга қўйилиб, улар орқали 164 минг нафар аҳолининг даромади оширилган. Кўрилган чоралар натижасида камбағаллик даражаси 5,8 фоиздан 3,9 фоизгача пасайган. Шунингдек, 49 та туман ва 3 429 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлангани қайд этилди.

Аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш бўйича эндиликда **“аввал ташхис – кейин ечим”** тамойилига асосланган янги тизим жорий этилиши режалаштирилган. Фуқароларнинг ҳолати уйма-уй ўрганилиб, маълумотлар **“Онлайн маҳалла”** тизимига киритилади ва улар учун индивидуал режалар шакллантирилади.

Йил якунига қадар яна **230 мингта оилани камбағалликдан чиқариш ҳамда 1 миллион нафар аҳолининг даромадини ошириш** вазифаси белгиланган.

“ОДАМЛАРГА КЕРАК...”

Ўзбошимчалик қилманг, жавобгарлик бор

Кундалик ҳаётда электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик таъминотидан фойдаланиш белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Бироқ айрим ҳолатларда бу қоидаларга зид вазиятлар ҳам учраб туради.



Зиёвуддин НАМОЗОВ.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик ёки газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Масалан, шахс белгиланган тартибда рухсат олмасдан электр тармоғига уланса ёки газ тармоғидан ноқонуний равишда фойдаланса, бу қоидабузарлик сифатида баҳоланиши мумкин. Шунингдек, электр, иссиқлик энергияси ёки табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ҳам жаримага олиб келади.

Электр, иссиқлик ёки газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, ҳисоблагич ёки унинг пломбасига қасддан шикаст етказиш каби ҳолатлар учун фуқароларга БҲМнинг 15 бараваридан 20 бараваригача, мансабдор шахсларга эса БҲМнинг 25 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ердаги биноларни тармоққа улаш учун ҳам ана шундай жавобгарлик бор. Унда мансабдор шахсларга БҲМнинг 70 бараваридан 85 бараваригача жарима қўлланилади.

БИЗДА ШУНДАЙ...

Қўшничилик — аср ошган меҳр мактаби

Ўзбек халқи азалдан меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни ҳаёт тарзининг муҳим мезони, деб билган. Бу фазилатлар, аввало, қўни-қўшничилик муносабатларида яққол намоён бўлади. Чунки биз учун қўшни шунчаки ён-атрофда яшайдиган инсон эмас, балки қувончда ҳам, ташвишда ҳам елкадош бўладиган яқин кишидир.

Саодат ИМОМОВА. Ўрта Чирчиқ тумани.

Болалигимни хотирлаганда, маҳалладошларнинг уй қуриш ва таъмирлашда бир-бириникига ҳашарга чиққани, тўй ва маъракада ёрдамга ошиққанини яхши эслайман. Бувим уйда қандайдир тансиқ таом тайёрланса, илиниб, уч-тўрт девор қўшниларга меҳр билан улушарди. Бир коса ош, бир бурда нон, бир оғиз тасалли ҳам инсонни ёлғизликдан асрайдиган катта меҳрнинг ифодаси бўлган.



Каттага ҳурмат, кичикка иззат, бемор ҳолидан хабар олиш, ёлғиз инсонни йўқлаш, муҳтож оиладан кўмакни аямаслик каби анъаналар одамларни бир-бирига яқинлаштирган. Бу муносабатлар жамиятда ўзаро ишонч ва масъулият туйғусини мустаҳкамлаган.

Бугун ҳаёт тарзи ўзгармоқда. Шаҳарлар кенгайиб, кўп қаватли уйлар кўпаймоқда, одамларнинг кундалик ташвишлари ортяпти. Бир хонадонда яшовчилар баъзан ён қўшнисини танимаслиги мумкин. Аммо замон ўзгаргани билан инсонга меҳр, эътибор ва яхши муносабатга бўлган эҳтиёж ўзгармайди.


Шу маънода қўни-қўшничилик маданиятини асраш — фақат эски анъаналарни сақлаш эмас. Бу жамиятда меҳр-оқибатни, ўзаро ҳурматни ва инсон қадрини асраш демакдир. Аслида, яхши қўшничилик — девор билан ажралган икки хонадонни эмас, қалбан яқин кишиларни боғлайдиган кўприкдир. Унинг мустаҳкамлиги эса ҳар биримизнинг муомаламиз, эътиборимиз ва меҳр-оқибатимизга боғлиқ. Зеро, қўшнининг тинчлиги — маҳалла осойишталигининг бошланишидир.

ПСИХОЛОГ ИЗОҲИ

БОЛАНГИЗ ЎЗИГА ИШОНМАСА...

Муқаддас ИМОМОВА. Паркент тумани:

— Ўғлим 15 ёшда. Ўзига, қўлидан бирор нима келишига умуман ишонмайди. Дадилроқ бўлсин, деб спорт тўгарагига бердим. Қатнашни бошлаган кунидан “Барибир мендан спортчи чиқмайди”, деб ишончсизлик билан суст ҳаракат қила бошлади. Оқибатда ҳақиқатдан ҳам, машғулотлардан айтарли натижа чиқмади. Касб танлаш масаласида ҳам шу: бирор соҳа устаси бўла олишига ишонмайди. Бу вазиятдан уни олиб чиқиш йўли борми?



— Ўсмирлик даврида ўз режалари ва қарорларидан иккиланиш ҳисси тез-тез учраб туради, **дейди психолог Шоира ИСОҚОВА.** — Агар фарзандингиз ўзига ишонмаса, аввало, у билан шу масала ҳақида очиқчасига гаплашиб олинг. Ўзингиз ва оила аъзоларингизнинг унга нисбатан муносабатига эътибор беринг. Эҳтимол, унинг мустақил қарор қабул қила олмаётганига сиз сабабчидирсиз. Балки қийинчилик ва хавф-хатардан ортиқча ҳимоя қилаётгандирсиз. Ўзига бўлган ишонч туйғуси қийинчиликларни енгиб ўтиш жараёнида шаклланади. Унга қийинроқ вазифалар бериб, бажаришини илтимос қилинг. Кундан-кунга зиммасидаги юмушларни мураккаблаштириб боринг. Рағбатлантириб туришни ҳам унутманг. Бундай топшириқлар ўсмирда тажриба ошириш имконини туғдиради. Муваффақиятга эришиш — ўсмирнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Ўсмир ота-онасининг унга муносабати ва эътиборидан келиб чиқиб, ўзининг ҳаётдаги ўрни қай даражада эканини баҳолайди. Унга оиланинг бир қисми эканини тушунишига ёрдам бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч кимга ўхшамайдиган хислатлари, иқтидори борлигига кўпроқ урғу беринг. Ҳиссиётларини, ҳаётга қарашларини ўртоқлашса, диққат билан тингланг. Бирор ёрдам сўрамагунча ёки унинг учун хатарли ҳолатни сезмагунингизча маслаҳат беришга ошиқманг. Мустақил қарор қабул қилишига имкон беринг. Спортга бўлган қизиқишини оширишга уриниб кўринг. Бирор ишга киришишидан олдин унинг қийин томонлари ҳақида эмас, балки ижобий тарафлари ҳақида кўпроқ гапиринг. Агар у бир ишни бошлаган бўлса, охирига етказиб қўйгунга қадар рағбатлантириб туринг. Бу ундаги иккиланишларга чек қўяди. Яна олға интилишига куч, туртки беради.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.





БУВАЙДА ТУМАНИДАГИ “ДЕҲҚОНОБОД” МАҲАЛЛАСИДА 65 та янги иш ўрни яратилиши натижасида камбағаллик даражаси 0,5 фоизгача камайди.



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ “ОҚИБАТ” МАҲАЛЛАСИДА ёшлар билан бандлик, имтиёзли кредит олиш масалалари бўйича учрашув ташкил этилди.



УЙЧИ ТУМАНИДАГИ “ГУМБАЗ” МАҲАЛЛАСИДА камбағалликни қисқартириш бўйича хатлов натижасига кўра, миграциядан қайтганларга имтиёзли кредит берилди.

Mahalla №76 2026 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

Маҳалла кутубхонасининг кичик, аммо сирли расталари мен учун дунёга очилган улкан дераза эди

ҲАРАКАТДА ҲАЁТ

СИЗНИНГ ХОНАНГИЗ АСЛИДА СПОРТ МАЙДОНИНГИЗДИР

Кундалик ҳаётимиздаги кўплаб юмушлар осонлашгани сари, жисмоний ҳаракатларимиз сони камайиб бормоқда. Кўпчилик спорт билан шуғулланишни хоҳлайди, бироқ “вақт йўқлиги”ни баҳона қилади. Аслида эса, мукаммал қомат ва мустаҳкам соғлиқ учун фақатгина бир нарса — ирода кифоя. Сиздан катта маблағ ёки махсус жой талаб қилмайдиган, уй шароитида ҳам юксак натижаларга эришиш мумкин.



Эрталаб иссиқ ўриндан туриб машқ қилиш, чарчоққа қарамай режани бажариш, бу — танани эмас, биринчи навбатда характерни чиниқтиради. Уй шароитида машқ қилиш сиздан янада катта масъулият ва ички интизом талаб этади.

Кичик бир хонада ҳам танадаги барча мушакларни ишлатиш ва қон айланишини яхшилаш учун оддий машқлар етарли бўлади. Бу йўналиш уй шароитида ортиқча вазндан халос бўлишга кўмаклашади, чидамлиликни оширади. Юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди. Шунингдек, уй фитнес-йогаси тана ва ақл уйғунлигини таъминлайди. Мушакларни секинлик билан чўзиш, нафасни назорат қилиш ва мувозанатни сақлаш талаб этилади. Бу — стрессни камайтиради, тана эгилувчанлигини оширади, ички хотиржамликни тарбиялайди.

Муҳими, спорт мия фаолиятини рағбатлантиради. Айниқса, эрталабки машқлар қувонч гормонларининг тарқалишига ёрдам беради. Булар ҳушёрлик ва огоҳликни сезиларли даражада оширади.

Яхши кайфият уйғотади. Чунки жисмоний машқлар пайтида кортизолдан ташқари, бахт гормонлари – серотонин ва дофамин ажралиб чиқади. Шу боис яхши кайфият бахш этади ва турли қийинчиликларга бардошли бўлишда ёрдам беради. Машғулотлар қон айланишини яхшилайди. Узоқ вақт давом этадиган кучли тетиклаштирувчи таъсирга эга.

Бир сўз билан айтганда, сизнинг хонангиз, аслида спорт майдонингиздир. Соғлом бўлиш учун бугундан бошланг, баҳоналарни четга суринг!

ТАҲЛИЛ

ҲАР ҚАНДАЙ ҚУРИЛИШ “ЕТТИЛИК” НАЗОРАТИГА ОЛИНАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кузатилаётган урбанизация жараёни ва қурилиш ҳажмининг кескин ортиши тизимни тубдан ислоҳ қилишни тақозо этди. Кўп ҳолларда шаҳарларнинг бош режасиз ёки тартибсиз кенгайиши, коммунал инфратузилманинг ортиқча юкланиши ҳамда соҳадаги бюрократик тўсиқлар аҳоли ва тадбиркорлар учун қатор қийинчиликларни туғдираётган эди.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

“Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қурилиш соҳасида “натижага асосланган бошқарув” механизмини жорий этиш орқали тизимдаги бош-бошдоқликка чек қўйиш, коррупциявий хавфларни йўқотиш ва соҳани тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган.

Унга кўра, янги ва ноқонуний қурилишларни барвақт аниқлаш имкони яратилди. Ушбу ислоҳот доирасида “online-mahalla.uz” электрон тизими Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг миллий ахборот дастурларига уланади.

Илгари маҳаллалардаги ноқонуний қурилиш ҳақида юқори ташкилотлар кўпинча бино деворлари кўтарилиб, лойиҳа якунига етиб қолганда ёки аҳолининг ҳақли эътирозлари ва шикоятларидан кейингина хабар топар эди. Чунки ҳудудий қурилиш инспекцияларининг ходимлари сони чекланган бўлиб, улар ҳар куни маҳаллани айланиб чиқиш имкониятига эга эмасди. Фармонга асосан, энди бу жараёнда бевосита маҳалла иштироки таъминланди. Яъни, ҳоким ёрдамчиси ўз ҳудудида ноқонуний, тегишли рухсатномасиз ёки бош режага зид равишда бошланган қурилишни пойдевор қўйиш босқичидаёқ “online-mahalla.uz” воситаси орқали Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига онлайн овозли, матнли ёки фото-факт кўринишида хабар юборади. Инсон омили аралашмаган ҳолда, ушбу маълумот вазирликнинг назорат тизимида қатъий рўйхатга олинади ва зудлик билан муносабат билдирилади.

Ушбу ислоҳотнинг жамият ва давлат учун аҳамиятини тушуниш учун аввалги амалиёт ва янги жорий этилаётган тизимни тўғридан-тўғри солиштириб чиқиш кифоя. Аввал бино қуриб бўлинганда ёки 2-3 қавати кўтарилганда аниқланарди. Энди илк ғишт қўйилгандаёқ, муаммо юзага чиқади. Хат-ҳужжат алмашинуви, маҳалладан туманга, тумандан вилоятгача бўлган узоқ йўл босиб ўтиларди. Рақамли тизим орқали хабар сониялар ичида тўғридан-тўғри вазирлик базасига тушади. Инспектор ва қурувчи ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ва “келишиб олиш” эҳтимоли юқори эди. Энди бундай бўлмайди.

Ноқонуний қурилишлар туфайли яшил майдонлар, болалар майдончалари йўқолиб кетиши тез-тез кузатиларди. Маҳалла аҳли манфаатлари ҳимояси тўғридан-тўғри ҳоким ёрдамчиси орқали давлат назоратига олинди.

Мазкур янгилик кутилган натижани бериши учун қайси қурилиш қонуний, қайси бири ноқонуний эканини тез аниқлаш тартиби ўрнатилиши керак. Шу мақсадда маҳалла ходимларига электрон харита ва рухсатномалар базаси(реестр)дан фойдаланиш имкони берилиши лозим.

САЛОМАТЛИК ОДАТИ

Куз келиши билан инсон танаси ўзгариб, тез-тез шамоллаш ёки кайфият тушиб кетиши кузатилади. Агар шу каби мавсумий муаммоларнинг олдини олишни истасангиз, қуйидаги тавсияларга амал қилинг!

СОҒЛОМ БЎЛИШ УЧУН ДОРИ ИЧИШ ШАРТ ЭМАС!

Феруза ТОҲИРОВА, Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бошқарма бошлиғи.



Биринчи навбатда, иммунитетни табиий усулда мустаҳкамланг. Наъматак, анор, олма, қовоқ ва лавлаги каби витаминларга бой маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилинг. Масалан, С витамини тананинг вирус ва бактерияларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Цитрус мевалар ва кўкатлар бунинг соз манбаидир.

Куз фаслида қуёш нури камайиши натижасида танада D витамини етишмовчилиги бошланади. Доимий чарчоқ, суяклардаги оғриқ ва тушкунлик шундан. Имкон қадар, ушбу витамин етишмовчилигидан сақланинг!

Куз ҳавоси алдамчи бўлади — эрталаб совуқ, тушда эса иссиқ. Шамоллаб қолмаслик учун ҳаво ҳароратига қараб кийиниш зарур. Сурункали касалликлар қўзишига йўл қўйманг. Парҳезга амал қилинг. Оёқ ва бел қисмини иссиқ тутинг. Шифокорингиз тайинлаган профилактик дориларни вақтида ичинг.

Кунлар қисқариши билан танада “уйқу гормони” — мелатонин ишлаб чиқарилиши ўзгаради. Бу эса уйқучанлик ва кайфиятсизликка олиб келади. Ҳар куни бир хил вақтда ухлаш ва уйғонишга одатланинг (камида 7-8 соат).

Жисмоний фаолликни оширинг. Кунига 30 дақиқа пиёда юриш ҳам бахт гормонлари (эндорфин) ажралишини таъминлайди.

Кузда соғлом овқатланиш қоидасига риоя қилинг. Ҳаво ҳарорати совий бошлагач, таомномангизда гўштли таомларга кўпроқ ўрин бериш керак бўлади. Аммо у махсус фольга қоғозида ёки ёғсиз димлаб пиширилган бўлса, мақсадга мувофиқ. Биринчи таом сифатида турли бўтқа ёки шўрвалар жой олиши шарт.

Хулоса шуки, куз фасли касалликлар даври эмас, балки танани қишга тайёрлаш босқичидир. Тўғри овқатланиш, етарли уйқу ва ижобий кайфият орқали бу фаслни соғлом ва тетик ўтказиш ўз қўлингизда.

БИЛГАНИНГИЗ ФОЙДА

КУЗДА НИМАЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ?

Одамлар ҳаво ҳарорати, фасллар, танаси, ички хоҳиш ҳамда заруратидан келиб чиқиб керакли маҳсулотларни тановул қилиши керак. Умумий қилиб айтганда, ҳаммамиз ўз танамизнинг табиби бўлишимиз лозим. Халқ табиблари куз фаслида табиий пишган неъматлар билан озиқланишни тавсия қилади. Чунки улар инсон танасини қиздиришга, бунинг ортидан эса шамоллаш каби касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Масалан, шолғом, турп, қовоқ. Шунингдек, бу мавсумда қаймоқ, сарёғ, асал, қўй гўшти, ёнғоқ, нишолда кабиларни кам-кам, тез-тез истеъмол қилиш ҳам зарар қилмайди.

Фақат еб-ичишдан ташқари, одамлар соғлом турмуш тарзининг асосий шартларидан бири – жисмоний фаолликни ҳам ошириши керак. Буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг “доимий ҳаракатда юрган инсоннинг табибга муҳтожлиги бўлмайди”, деган гапи исбот талаб қилмас ҳақиқат ҳисобланади. Яъни инсон мунтазам ҳаракатда бўлиб, кунига бир соат бўлса-да спорт билан шуғулланиши орқали танасини касалликлардан асрайди.

БИР КИТОБ — БИР ҲАЁТ

“Президент эътирофига йўл — маҳалла кутубхонасидан бошланган”

Ҳаётимизда шундай лаҳзалар бўладики, улар бизнинг кимлигимизни, келажагимизни ва дунёқарашимизни бутунлай бошқа ўзанга буриб юборади. Мендаги ана шу ўзгариш болаликдан бошланган. Айниқса, кейинчалик маҳалла кутубхонаси катта имконият ва илҳом манбаи бўлди.

Ўғилжайрон ХОЛДУРДИЕВА, Тўрткўл туманидаги “Калтаминор” маҳалласи, “Ёш китобхон” танловининг Республика босқичи ғолиби.

Бугун ушбу рукннинг илк сонида сиздан ҳеч нарсани яширмай, қалбимнинг энг тўридаги сирларни сўзлаб бермоқчиман. Юқорида таъкидлаганимдек, китобга меҳр болаликдан бошланган бўлса, маҳалла кутубхонаси адабиётга қизиқишимни оширди. Бўш вақт топдим дегунча, янги китоблар ҳидини туйиш, варақлар сукунатига ғарқ бўлиш учун айнан шу масканга ошиқадиган бўлдим. Маҳалла кутубхонасининг кичик, аммо сирли расталари мен учун дунёга очилган улкан дераза эди.



Айнан шу ерда қўлимга олган навбатдаги асар мутолааси ҳаётимни ўзгартирувчи туртки берди. Бу жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири — Халед Ҳоссейнийнинг “Шамол ортидан югуриб” романи эди. Бу мен учун шунчаки мажбурий мутолаа ёки вақт ўтказиш учун ўқилган оддий сюжет эмас, балки ички дунёимни остин-устун қилиб юборган ҳақиқий руҳий тўфон бўлди.

Асарни илк бор қўлимга олганимда, биринчи саҳифаларданоқ ундаги қаҳрамонлар тақдири билан яшай бошладим. Варақлар ичига чуқурлашганим сари, шунчаки дўстлик тарихини эмас, балки муҳаббат ва садоқатдан ҳам юксакроқ, улканроқ туйғуларни ўргата бошлади. Афғонистоннинг тинч кунларидан бошланган ва уруш гирдобида парчаланиб кетган болалик қисмати, қаҳрамонлар тилидан айтилган гаплар, юрт соғинчи ва ўша даврдаги миллат фожиаси мени чуқур мушоҳадага чўмдирди.

Бу китоб мутолааси мени виждон, хатоларни тан олиш ва кечиримли бўлиш каби энг нозик туйғулар билан юзма-юз қилди. Ирода фақат кучли бўлишда эмас, балки ўз хатоларингни тан олиб, уларни тўғирлашга куч топа билишда эканини англадим.

Китобни ўқиб тугатганимдан сўнг, сўз қадрини янада теранроқ англадим. Нутқимда, одамлар билан мулоқотимда уларни саралаб ишлатадиган, ҳар бир сўзнинг инсон тақдирига таъсирини ҳис қиладиган бўлдим. Инсоннинг ички гўзаллиги ўқиган китоблари ва тилида акс этишини тушундим.

Китоб менга воқеаларга фақат бугунги кун нуқтаи назаридан эмас, балки кенгроқ — ўтмиш ва келажак кўзи билан қарашни ўргатди. Маҳалла кутубхонасидан бошланган бу кичик қадамларим мени Президент эътирофига, “Ёш китобхон” танловининг республика шоҳсупасига олиб чиқди.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.





Ўзбекистонга ХОРИЖИЙ САЙЁҲЛАР ТАШРИФИ йил давомида 21 фоизга ошди.



Олмаотадаги “УМРА ПЛЮС” ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА Ўзбекистонга 10 минг зиёратчини жалб этишга келишилди.



Американинг нуфузли “National Geographic” журналида БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН ЎРНИГА бағишланган мақола эълон қилинди.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Қариндош бор, аммо дийдор нега кам?

Бугун орамиздан энг тез кўтарилаётган фазилат, бу — меҳр-оқибат бўлса керак. Аксаримиз фақат ота-она, ака-ука ва опа-сингилларимиз билан алоқада бўламиз. Амаки, тоға, хола, амма, жиян каби қариндошлар билан тўй-маросимларда бирров кўришилмаса, бошқа пайт дийдорлашишга вақт йўқ. Дўсту ёр, биродарлар билан ҳар куни ё ҳафта, ҳеч бўлмаганда, ойда бир йиғиламиз. Бир маҳалла, қишлоқ, туманда яшаб, бир-биридан хабар олмайдиган жигарлар қанча...

Баҳриддин МИРЗОЕВ,
Денов туманидаги “Эшонжон Бобо” масжиди имом-хатиби.



Динимиз таълимотида Аллоҳ таолога ибодат қилишга буюрилиши билан бирга, ота-она ва яқинларга яхшилик қилиш кераклиги ҳам таъкидланади. Бу ҳақда Қуръони каримда: **“Аллоҳга ибодат қилинглар. Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар. Ота-онангизга ва яқин қариндошларга яхшилик қилинг”** дейилган *(Нисо сураси, 36-оят)*. Бу буйруқ ушбу амалнинг нақадар муҳим эканидан далолат.

Бошқа бир оятда бундай марҳамат қилинади: **“Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни *(яъни қариндошлар билан алоқани)* боғлайдилар, Парвардигорларидан қўрқадилар ва *(охиратда)* ҳисоб-китобнинг нохуш кечишидан чўчийдилар”** *(Раъд сураси, 21-оят)*. Демак, мўмин киши доим силаи раҳм қилиш пайидан бўлиши ва охиратда бу ҳақда сўров борлигини англаши керак.

Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам силаи раҳмни ибодатга тенглаштирганлар. Бир аъробий Набий алайҳиссаломга: *“Менга жаннатга яқинлаштирадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг”*, деди. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: ***“Аллоҳга ибодат қилинг. Унга ҳеч нарсани шерик қилманг. Намозни тўкис адо этинг. Закотни беринг. Силаи раҳм қилинг”***, дедилар” *(Имом Бухорий ривояти)*. Демак, Аллоҳ билан алоқа намозда, жамият билан алоқа закотда, инсонийлик эса яқинларга яхшилик қилиш ва алоқани боғлашда намоён бўлади.

Амр ибн Динор раҳматуллоҳи алайҳ бундай деган: *“Билингки, фарзга босилган қадамдан кейин қариндош томон босилган қадамдан кўра каттароқ ажр келтирувчи амал йўқ”*.

Ҳадисларда яхшилик қилишни, аввало, яқин қариндошлардан бошлаш лозимлиги таъкидланади. Кулайб ибн Манфаъадан ривоят қилинади: “Бобом: “Ё Расулуллоҳ, кимга яхшилик қилай?” деди. У зот: ***“Онангга, отангга, опа-сингилингга, ака-укангга ва улардан кейин келадиган яқинларингга, вожиб ҳақдир ва силаи раҳмдир”***, дедилар” *(Имом Бухорий ривояти)*.

Яна бир ҳадисда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***“Мискинга қилинган садақа — бир садақадир. Қариндошга қилинган садақа икки яхшиликдир. Садақа ва силаи раҳмдир”*** деганлар *(Имом Термизий ривояти)*. Бу икки яхшиликнинг бири моддий ёрдам бўлса, иккинчиси, қариндошлик ришталарига риоя қилиш ва орани мустаҳкам боғлаш ҳисобланади.

Демак, Исломда моддий ёрдамнинг савоби унинг кимга йўналтирилганига боғлиқ. Яқин қариндошга қилинган яхшилик иқтисодий ёрдамдан ташқари, ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни сақлаб қолиш ва жамиятда руҳий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

МАНЗИЛЛАР СЎЗЛАГАНДА

Сентоб: тоғлар бағридаги тирик тарих

кўришдан кўра, ҳис қилиш муҳити кўпроқ

Ўзбекистонда сайёҳлик деганда, кўпинча қадимий шаҳарлар, машҳур зиёратгоҳлар ёки гавжум дам олиш масканлари кўз олдимизга келади. Аммо харитада номи кичик ҳарфлар билан ёзилган, катта сайёҳлик йўналишларига ҳали тўлиқ кириб улгурмаган қишлоқлар ҳам бор.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Уларнинг айримларида асрларни қаритган уйлар, бошқаларида эса тоғ билан курашиб яшаётган одамларнинг ўзига хос турмуши сақланиб қолган. Баъзан эса битта қишлоқ номининг ортида катта тарих ётади. Ана шундай манзиллардан бири Нурота тоғлари бағрида жойлашган Сентоб қишлоғидир.

Сентоб томон йўл олган сайёҳ аввал Қизилқумнинг кенгликларидан аста-секин тоғлар бағрига кириб боради. Йўл тораяди, атрофдаги манзара ўзгаради. Қоя ва дарахтлар орасидан кўриниб турган эски уйлар эса одамга бу ерда вақт шошилмаслигини эслатади.

Сентобнинг жозибаси фақат чиройли табиатида эмас. Қишлоқ катта шаҳарлардан узоқда қолганлиги сабабли ўзининг анъанавий қиёфасини анчайин яхши сақлаб қолган. Эски уйларнинг тор эшиклари, паст шифтлари, тошдан қурилган деворлари, тоғ ёнбағирларидаги ҳовлилар — буларнинг барчаси замонавий сайёҳлик масканидан кўра қадимий қишлоқ ҳаётини эслатади.

Ушбу сўлим гўшанинг энг қизиқ жиҳати шундаки, сайёҳ бу ерга келганда тарихни фақат музей ойнаси ортидан кузатмайди. Қишлоқнинг ўзи — ҳақиқий экспозиция. Маҳаллий хонадонларда етиштирилган сабзавот ва мевалар дастурхонга тортилади. Чорвачилик, боғдорчилик, миллий таом тайёрлаш каби кундалик юмушлар ҳамон қишлоқ ҳаётининг бир қисми. Маҳаллий оилалар ўз хонадонларини меҳмон уйларига айлантириб, сайёҳларга нафақат тунаш жойи, балки ўз ҳаёт тарзини кўрсатиш имконини беради.


Сентобда сақланиб қолган яна бир қадрият — меҳмондўстликнинг ўзи. Бу ерда меҳмон уйининг эшиги шунчаки тунаш учун очилмайди. Сайёҳ маҳаллий таомдан татиб кўради, қишлоқ ҳаётини кузатади, тоғ йўлларида сайр қилади. Истаса, от миниб, атрофдаги сўқмоқлар бўйлаб саёҳат қилиши мумкин.

Уни янада сирли қиладиган жиҳат эса атрофидаги тарихий излардир. Қоя тошларда V—VI асрларга оид петроглифлар, тоғ тепасидаги қадимий қўрғон қолдиқлари, XI—XVIII асрларга мансуб тош битиклар учрайди. Қишлоқдан тахминан 12 километр узоқликдаги Қора тоғ қояларида араб графикасидаги ёзувлар ҳам сақланган. Демак, бу тоғлар фақат чорва йўли ёки сайр манзили эмас — улар турли даврлардан қолган изларни ҳам ўзида асраб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг таъкидлашича, Сентоб бежизга бундай номланмаган — аввалларидан бу ерларда, тоғлар орасида, бир қирғоғидан бошқасига қайиқда сузиб ўтиладиган катта сой бўлган. Ҳозир ҳам қишлоқдан Ако чашмасидан бошланувчи сой суви оқиб ўтади. Чашмадан чиқадиган сув жуда муздек бўлиб, ундан дамланган чой ва тайёрланган таомларнинг таъми оғизда қолади.

Ушбу манзилга бориш сиз учун қизиқми? Сентоб қишлоғи Навоий вилояти Нурота туманида жойлашган. Айдаркўл ҳудудидан тахминан 30 километр олис масофада. Қишлоқда сайёҳлар учун оилавий меҳмон уйлари ва туристик хизматлар мавжуд. Тоғли ҳудуд бўлгани учун сафар олдидан об-ҳаво ва йўл шароитини аниқлаб олиш, тунаш жойини олдиндан келишиб қўйиш маъқул.

Сентобга боришнинг энг яхши томони — бу ерда “кўриш керак бўлган объектлар” рўйхатидан кўра, ҳис қилиш мумкин бўлган муҳит кўпроқ. Тонгда тоғ ҳавосини ютиш, эски тош уйлар орасидан юриш, маҳаллий хонадонда тайёрланган таомдан татиб кўриш ёки қоя юзидаги юзлаб йиллик битикларни томоша қилиш — буларнинг ҳар бири саёҳатни хотирага айлантиради.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ҲИДОЯТ САРИ

Исрофнинг чегараси борми?

Дониёр АБДУЛЛАЕВ. Наманган вилояти:
— Қанча сарф-харажат исроф ҳисобланадию, қанчаси исроф саналмайди?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Исрофнинг маъноси ҳамма учун тушунарли, аммо қанча миқдордаги сарф-харажатлар исроф ҳисобланадию, қанчаси исроф эмас, бу нарса муайян миқдор билан белгиланмаган. Чунки бу нарса вазиятга, шахсга, муҳитга қараб, бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Исроф асосан учта кўринишда намоён бўлади:

1. Унинг энг ёмон кўриниши — мол-мулкни гуноҳ ишларга сарфлаш. Уламолар, гарчи арзимаган миқдор бўлса ҳам, гуноҳ йўлга сарфланган ҳар қандай мол-мулк исрофга киради, чунки бу ноўрин жойга сарфлашдир, деганлар.

2. Зарур ҳожатлар қолиб, зеб-зийнатга, дабдабага сарфлаш. Бунга фарзандларнинг озиқ-овқати, кийим-кечаги ва дарсликларига ҳожат бўлиб турганда эҳтиёж бўлмаган нарсаларни сотиб олиш каби ишлар киради.

3. Сарф-харажатларда мўътадилликдан чиқиб кетиш. Ўртаҳол киши кийим-кечаги ва тўй-ҳашамларига доимий равишда катта маблағ сарфлаши бунга мисол бўлади. Хулоса қилиб қуйидагиларни айтишимиз мумкин, шариат кўрсатмаси, ақл доираси ва одат чегарасидан чиқиб кетган ҳар қандай сарф-харажат исроф ҳисобланади.

БИР СЎЗНИНГ ИККИ МАЪНОСИ

Нега нон туя бўлади?

Ўзбек тилида биров-нинг ҳаққини яширинча ўзлаштириш, ўғирлаш ёки омонатга хиёнат қилиш маъносида ишлатиладиган рамзли иборалардан бири — “нонини туя қилмоқ”. Ибордаги “нон” инсоннинг ризқи ва ҳаққини, “туя” эса халқ тасаввурида катта нарсани англатади.



Иборанинг шаклланиши халқ оғзаки ижоди, қадимий савдо йўллари ва кўчманчи ҳаёт тарзи билан боғлиқ тасаввурларга бориб тақалади. Туя қадимдан узоқ йўлларда юк ташувчи асосий жониворлардан бири бўлган. Халқ орасидаги турли ҳикоя ва латифаларда туяни яшириш ёки ундан хабарни инкор этиш каби ҳолатлар учрайди. Шу каби рамзлар асосида “нонини туя қилмоқ” ибораси бировнинг ризқини ўзлаштириб юбориш маъносини касб этган.

Адабиётимизда ҳам бундай иборалар қаҳрамоннинг феъл-атвори ва нутқини табиий очиб беришга хизмат қилади. Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов каби адиблар халқона иборалардан маҳорат билан фойдаланганлар. Бугунги нутқда эса “нонини туя қилмоқ” ибораси бировнинг ҳақига хиёнат қилган ёки ўзганинг ризқини ўзлаштирган кишини танқидий ифодалашда қўлланади. Шу жиҳатдан у халқ тилининг рамз ва таъсирчан қатламини сақлаб келаётган иборалардан биридир.

СИЗ БУНИ БИЛАСИЗМИ?

Соат миллари нега ўнгга айланади?

Кундалик ҳаётимизда соатга қараганимизда, унинг миллари доимо ўнг томонга — соат тили бўйлаб ҳаракатланиши биз учун оддий ҳолдек туюлади. Аммо нега айнан шу йўналиш танланган? Бунинг жавоби соатлардан ҳам анча олдинги давр — Қуёш соатларига бориб тақалади.





Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Илк Қуёш соатлари, асосан, Шимолий ярим шарда, жумладан, Қадимги Миср ва Бобил ҳудудларида пайдо бўлган. Шимолий ярим шарда туриб жанубга қаралганда, Қуёш шарқдан чиқиб, жануб томондан ўтиб, ғарбга ботади. Шу тариқа у осмонда чапдан ўнгга ҳаракатланаётгандек кўринади. Қуёш соатида эса вақтни кўрсатувчи нарса Қуёшнинг ўзи эмас, балки тик турган устун — гномоннинг соясидир. Қуёш осмонда силжиган сари, унинг сояси ҳам циферблат устида маълум йўналишда ҳаракат қилади. Айнан шу соянинг ҳаракати кейинчалик механик соатлар миллари учун ўзига хос намунага айланган.

XIV асрда Европада дастлабки механик соатлар пайдо бўла бошлаганда, усталар одамларга аллақачон таниш бўлган Қуёш соатидаги ҳаракат йўналишини сақлаб қолдилар. Шу тариқа милларнинг ўнгга, яъни соат тили бўйлаб айланиши анъанага айланди.

Қизиғи шундаки, агар механик соатлар дастлаб Жанубий ярим шарда ихтиро қилинганида, бугун соат миллари чап томонга айланиши ҳам мумкин эди. Чунки у ерда Қуёш соатининг сояси Шимолий ярим шардагидан қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 345 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-920